УШБУ СОНДА:

2 **БИР "ПУФ" МОЖАРОСИ**

3 **ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ** уни қўллашнинг процессуал кафолати хусусида баъзи мулоҳазалар

АНИҚЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ёхуд Францияда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми

4 **КЎНГИЛДАГИ ТУГУН** Уни ўзимиздан бўлак ким ечади?



Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 18 (325)
2003 йил 6 МАЙ сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

European Bank for Reconstruction and Development

ANNUAL MEETING OF THE BOARD OF GOVERNORS TASHKENT 4 – 5 MAY 2003

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, мана шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ***қарор қилади:***

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослилигини зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш йўли билан ўрганиб чиқиш;

вазирликлар, идоралар ва назорат органлари, шунингдек маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларига қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари, қонун бузилишини ва унга олиб келувчи шарт-шароитларнинг сабабларини бартараф қилиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

мансабдор шахслар томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек, адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаган тақдирда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни тегишли органлар олдига қўйиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузаётган назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш;

жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига таклифлар билан мурожаат қилиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб этиш.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир қарорлари вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмасида штатдаги ходимлар сони 10 нафар бўлган Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва тегишли бўлимларнинг жорий таъминотини молиялаштиришни назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармасининг тузилмасини ва бошқарма тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги имтиёзлар ва кафолатлар рўйхатини, уларни қўллаш бўйича шарҳлар билан биргаликда, икки ой муддатда тайёрласин;

Хорижий сармоялар бўйича агентлик билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўпламини Интернет тармоғига жойлаштириш учун хорижий тилларда уч ой муддатда тайёрласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги минтақавий бўлимларининг моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш учун грантлар жалб этилишига кўмаклашсин.

5. Адлия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг доимий мониторингини олиб борсинлар ҳамда хорижий инвесторлардан тушаётган мурожаатлар ва таклифларни батафсил ўрганиб чиқсинлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишни янада яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар билан биргаликда таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамасига йилнинг ҳар чорагида тақдим этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 2 май.

ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Тошкентда икки кун давом этган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг XII анжумани 5 май куни ниҳоясига етди.

"Интерконтинентал" меҳмонхонасида мазкур банк Бошқарувчилар кенгаши мажлисининг якуний сессияси бўлди.

Уни ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси, Буюк Британия халқаро тараққиёт масалалари бўйича давлат котиби Клейр Шорт хоним бошқарди.

Мажлисда сўзга чиққан аъзо давлатлар делегациялари вакиллари, ЕТТБ дунёнинг йирик молия институтлари қатори Шарқий Европа, Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, молия бозорини кучайтириш, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий сармояни қўллаб-қувватлаш ҳамда инфратузилмани такомиллаштиришда катта ўрин тутишини таъкидлади.

Иштирокчилар ЕТТБнинг XII саммити илк бор Осиёда, хусусан, Тошкентда ўтгани муҳим воқеа эканини қайд этди. Ўзбекистон — улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Ўзбекистон раҳбарияти бундай имкониятдан самарали фойдаланиш йўлида изчил ва дадил сиёсат юритмоқда. Жамиятни демократлаштириш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш борасида муҳим қарорлар қабул қилинди. ЕТТБнинг Ўзбекистонга кўрсатаётган кўмагини барча аъзо давлатлар қўллаб-қувватлайди.

Дарҳақиқат, 11 сентябрь воқеаларидан кейин халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиёга эътибори янада кучайди. Натижада минтақа мамлакатлари сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида дадил қадамлар ташламоқда. Валюта бозори сезиларли даражада эркинлаштирилиб, қишлоқ хўжалик соҳасида давлат буюртмалари тизимини ислоҳ қилишга киришилди. Бироқ кўзланган мақсадга эришиш учун ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кам эмас. ЕТТБ раҳбарияти бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини маълум қилди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ўзининг муҳим стратегик ўрнига эга мамлакат. Евроосиёнинг марказида жойлашгани, транспорт тармоқлари яхши ривожлангани, ташқи савдо бўйича катта имкониятга эгалиги нафақат Ўзбекистон учун, балки минтақа давлатлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ЕТТБ Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг бир қатор стратегик режаларини ишлаб чиққан. Улар кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, молиявий институтлар фаолиятини кучайтириш, инфратузилмага оид соҳаларни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Шу мақсадда маҳаллий банклар орқали янги кредит йўналишларини очиш, тўғридан-тўғри сармоя жалб қилиш орқали қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотиқни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқмоқда. ЕТТБ Ўзбекистонда хусусийлаштириш давлат дастурини амалга оширишга ҳам ўз ёрдамини бериш ниятида. Хусусан, Асака банкини хусусийлаштиришга тайёргарлик жараёнига техник ёрдам кўрсатишга киришган.

ЕТТБ Ўзбекистонда инфратузилма, транспорт, коммунал хўжалик ва энергетика каби тармоқларни ҳам қўллаб-қувватлашни режалаштирган. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият тузилмалари билан ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида биргаликдаги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Банк ушбу режаларни амалга оширишда халқаро молия ташкилотлари ва дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликни давом эттиради.

Люксембург ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашига 2003-2004 йилда раислик қиладиган бўлди. Германия ва Руминия раис ўринбосарлари этиб сайланди. Бошқарувчилар кенгашининг навбатдаги йиғилиши Лондонда ўтказилиши маълум қилинди.

— Ушбу мажлиснинг Тошкентда ўтгани жуда тўғри иш бўлди, — деди ЕТТБ президенти Жан Лемьер ўзининг якунловчи сўзида. — Анжуман кунлари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти катта эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Мажлис ошкора ва очиқ тарзда ўтганидан мамнунмиз. У юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлайман. Бунинг учун Президент Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига, Тошкент шаҳри раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз.

Мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон очиқ демократик жамият барпо қилиш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни дадил амалга оширишда ўзи танлаган йўлдан оғишмай, изчил бораётганини яна бир бор намойиш қилди.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА мухбири

ЕТТБ ва "Осиё-Инвест банк": шартнома имзоланди

Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва "Осиё-Инвест банк" ўртасида Савдони молиялаш бўйича битим ҳамда ЕТТБ ва Ўзбекистон Миллий банки ўртасида Кафолатли битим имзоланди. Унга кўра Ўзбекистон Миллий банки ўзининг шўъба ташкилотига 1 миллион АҚШ доллари миқдорида савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш кафолатини берди.

Ўзбекистон Миллий банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик ўз ичига Савдони молиялаш дастурини ҳам олади. Миллий банкнинг ушбу дастури доирасида ЕТТБ томонидан саноатнинг турли жабҳаларида савдо перацияларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, стратегик товарлар, саноат, тиббиёт асбоб-ускуналари ва бутловчи қисмлари экспорти ҳамда импорти учун умумий қиймати 77 миллион долларга тенг иккита кредит линияси очилган эди. Миллий банк ушбу битимларни амалга ошириш учун JP Morgan Chase Bank, Rabobank Int, Barclays Bank PLC, Societe Generale, Deutsche Bank AG, Raiffeisen Zentral Osterreich AG каби ва бошқа хорижий банклар билан ҳамкорлик қилаётир.

2001 йилдан бошлаб эса Миллий банк ЕТТБнинг Савдони молиялаш дастурида тасдиқловчи банк сифатида иштирок этмоқда. Мазкур мақом Миллий банкка МДҲ ва Шарқий Европа давлатлари банклари билан савдони молиялашга доир ўз операцияларини фаоллаштириш имконини беради.

Савдони молиялаш дастурига Ўзбекистон Миллий банкининг Россия Федерацияси ҳудудида фаолият юритаётган "Осиё Инвест банк" шўъба банкини киритиш Миллий банк ва ЕТТБ ҳамкорлигининг кейинги босқичига айланди.

"Осиё-Инвест банк" акционерлик-тижорат банки 1996 йилда ўзаро товар айирбошлашни кенгайтириш, Ўзбекистон ва Россиянинг савдо бўйича шерикларининг иқтисодий манфаатини ҳимоя қилиш, ташқи савдо операцияларида ҳисоб-китоблар ишончлилигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган эди.

Шунингдек, мазкур банк Россия бозорига Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотини (пахта, автомобил, рангли металл, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) етказиб беришга оид ҳисоб-китобларни амалга ошириб, Россия ва Ўзбекистон ўртасида товар айирбошлаш иштирокчиларига имтиёзли асосда экспортни кредитлаш ҳамда суғурта қилиш соҳасида хизматлар кўрсатади.

(ЎзА)

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ТОШКЕНТ. ***(ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ).***

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жан Лемьер 5 май куни оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

ЕТТБ президенти мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад — жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини Марказий Осиёга қаратиш вазифаси тўла бажарилганини мамнуният билан таъкидлади.

— Тошкент анжуманида уч мингдан ортиқ ишбилармон, банкир, нодавлат ташкилотлар ва ҳукуматлар вакиллари иштирок этди, — деди Ж.Лемьер. — Форумга беш давлат раҳбари ташриф буюргани эса унинг нуфузини янада оширди.

Жан Лемьер ЕТТБнинг мазкур анжумани Тошкентда ўтказилишида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳиссаси катта бўлганлигини таъкидлади.

Тошкент форумида Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёдаги жараёнлар, минтақа мамлакатларининг эришган ютуқлари ва мавжуд муаммолари, уларни ҳал қилиш йўллари борасида очиқ ва самарали мулоқотлар бўлди.

Матбуот анжуманида банк президенти журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Bizning ma`lumot

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки 1991 йил, яъни Марказий ҳамда Шарқий Европа мамлакатларида коммунистик режим барҳам топаётган пайтда, собиқ совет давлатлари эса демократик шароитларда янги хусусий секторни яратишда қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлиб турган бир паллада ташкил этилган.

60 дан зиёд давлат ва иккита халқаро ташкилот банк муассиси ҳисобланади.

Банк ўз маблағларини янги банклар, корхона ва компанияларни лойиҳавий молиялаштиришга йўналтиради. Бундан ташқари банк хусусийлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, коммунал хўжаликни такомиллаштириш мақсадида давлат компаниялари билан ҳам ҳамкорлик қилади.

Тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратишни амалга ошириш мақсадида ЕТТБ ҳудуд давлатларининг ҳукуматлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган.

ЕТТБнинг Уставида таъкидланишича, атроф-табиий муҳит муҳофазасини таъминлангани — корпоратив бошқарувда ишончли амал қилаётган тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу ўз навбатида ЕТТБнинг барча инвестицион операцияларида устувор аҳамият касб этади.

ЕТТБ Марказий, Шарқий Европа ва МДҲ давлатларида фаолият кўрсатувчи йирик инвестор ҳисобланади. Банк 800 дан зиёд йирик дастурлар учун қарийб 20 миллиард евро ажратган. Шу билан бирга банк тўғридан-тўғри инвестицияларнинг сезиларли ҳиссасини жалб қилиб келмоқда. Кичик лойиҳалар асосан молиявий воситачиларни жалб қилиш йўли билан амалга оширилади. Яна шуни айтиш жоизки, банк турли мамлакатларда фаолият юритаётган тижорат банклари, микрокредитлаш банклари, акциядорлик сармоя фондлари ва молиявий лизинг механизмларини қўллаб-қувватлаш доирасида 200 000 дан зиёд лойиҳаларни молиялаштиришга кўмаклашди.

ЕТТБ ўзининг мавжуд қўллаб-қувватлаш дастури доирасида малакали кадрлар тайёрлашни ҳам молиялайди.

Ўзининг барча инвестицион операцияларини амалга ошириш чоғида ЕТТБ қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратади:

— мамлакатда тўлақонли бозор иқтисодиётининг равнақ топишига туртки бўлиши, яъни ўтиш жараёнига таъсир этилишининг самарасини таъминлаш;

— хусусий инвесторларга кўмаклашиш мақсадида турли хил таваккалчиликларни ўз зиммасига олиш;

— Банк фаолиятини олиб боришнинг энг самарали тамойилларини қўллаш.

ЕТТБ ўзининг инвестициялари орқали:

— тузилмавий ҳамда тармоқ ислоҳотларни амалга ошириш;

— рақобатчиликни, хусусийлаштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш;

— молиявий ташкилотлар ва ҳуқуқий тизимларни мустаҳкамлаш;

— хусусий секторни қўллаб-қувватлаш учун зарур инфратузилмани ривожлантириш;

— корпоратив бошқарувга, жумладан, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ишончли амал қилувчи тизимни жорий этишга кўмаклашади.

ЕТТБ ўзгаришларнинг катализатори сифатида:

— қўшма молиялаштириш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиради;

— маҳаллий сармояни жалб этади;

— техник кўмак кўрсатади.

ЕТТБнинг Директорлар Кенгаши томонидан ҳар бир лойиҳани муҳокама қилиш чоғида унинг резюмеси атрофлича ёритиб берилади. Унда лойиҳанинг мазмуни, молиявий жиҳатлар ва мижозлар, табиатни муҳофаза қилиш масалалари ва ҳоказолар тўғрисидаги маълумот келтирилади.

Давлатлар ва соҳалар

ЕТТБ Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг барча мамлакатларида операцияларни амалга оширади ва сармоялар жалб этади. Ҳудудда энг йирик инвестор сифатида мазкур ташкилот ўзининг 30 дан зиёд ваколатхоналари орқали юқорида таъкидлаб ўтилган мамлакатларда ўз фаолиятини амалга оширади.

Biz va dunyo

Ҳаёт йиллар, ойлар, кунлар алмашинувидан иборат. Дунё модели мана шу алмашинув жараёнига қурилган. Алмашинув бир ёқлама бўлмайди. У икки томоннинг баб-баравар бир-бирига интилиши, тенгликдаги ҳаракати демакдир. Ана шу тенглик бор экан, оламда мувозанат деган тушунча собит турибди. Шу маънода Шарқ ва Ғарб деган тушунчалар ҳам шундай тушунчалардир. Булар бир-биридан айро, зид эмас, аксинча бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Қайсики даврда бу икки қутб бир-бирига интилган, бир-бири билан дўстона юзлашган бўлса, ўша давр инсониятга тинчлик ва тараққиёт олиб келган. Тарихда бунга мисоллар кўп.

ШАРҚ ВА ҒАРБ ЮЗЛАШГАН КУНЛАР

Ғарбнинг Шарққа, хусусан, Ўрта Осиёга қизиқиши бугун пайдо бўлгани йўқ. Ёхуд биз ғарбни энди билаётганимиз йўқ. Шарқ ва Ғарб муносабатлари илдизи қадим даврларга бориб тақалишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Биргина мисол: "Алпомиш" халқимизнинг энг қадимий архаик эпоси ҳисобланади. Унинг яратилиш даври минг –минг икки юз йил деб белгиланган бўлсада, унинг мифологик қатлами ибтидоий даврларга бориб тақалади. Ана шу улкан эпосимизнинг сюжет тизими ва воқеалар ривожи "Одессия" номли юнон эпоси билан айнан бир хил. Бу ҳол кўпчиликни ҳайратга солган. Бири Европада, иккинчиси кўҳна Шарқда яратилган бу икки қадимий эпоснинг бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаши чинданда ҳайратланарли бўлиб, айрим мутахассислар бу ҳолни Ғарбнинг Шарққа таъсири натижаси деб изоҳлаган эдилар. Бироқ кейинги даврлардаги Ғарб тадқиқотчилари (Лорд, Пэрри, Райхл ва бошқалар) аксинча, Шарқнинг Ғарбга таъсири дея асослашга ҳаракат қилмоқдалар. Бизнинг назаримизда, ҳар икки қараш ҳам асосли. Чунки Шарқ ва Ғарбнинг таъсир ва акс таъсири жуда қадим даврлардан буён давом этиб келмоқда.

Арасту ёки Сукротни билмаган шарқлик кам бўлса керак. Ёки Фаробий, Беруний ва Ал-Хоразмий номлари европалик учун бегона эмас. Гегель, Ницце каби алломаларнинг фалсафий трактитлари, Клавихо, Вамбери ва яна бошқа кўплаб европалик сайёҳларнинг юртимиз тарихи, урф-одат ва анъаналари ҳақида мемуарлари фикримизнинг далилидир.

"Инсоният тарихини, — деб ёзади Шарқни инсоният тарихининг бешиги деб билган европалик файласуф Карл Ясперс, — бўлакларга бўлиб бўлмайди. У яхлит, бир бутун ҳолатидагина тўла мазмун касб этади".

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин эса, дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан дўстлик ришталарини боғлади. Кўплаб хорижий ташкилотлар, ижтимоий, сиёсий тизимлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Яъни Шарқ ва Ғарб деган тушунчалар мустақилликдан кейин том маънода янгича мазмун кашф этди. Кеча оқшом, яъни 5 май куни ўз ниҳоясига етган Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчиларининг навбатдаги йиллик йиғилишининг айнан Тошкентда бўлиб ўтиши ҳам бунинг яна бир карра исботидир.

ЕТТБ ҳақида гап кетар экан, хўш, у бошқа молиявий тузулмалардан қайси жиҳати билан фарқланади, деган саволнинг туғилиши табиий. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ташкил этилгунга қадар ҳам Жаҳон банки (1944), Осиё тараққиёт банки (1966) каби халқаро молия ташкилотлари мавжуд эди. Бироқ, ЕТТБ халқаро ташкилотнинг юзага келиши Берлин деворлари қулагандан кейинги Европада ва жаҳонда юзага келган тарихий шарт-шароит ҳамда мафкуравий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ.

(Давоми иккинчи бетда)

ШАРҚ ВА ҒАРБ ЮЗЛАШГАН КУНЛАР

Biz va dunyo

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Берлин деворларининг қуласи ва собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши нафақат Европада, балки бутун ер юзида янги бир иқлимни юзага келтирди.

Бундай вазиятда келинган биринчи хулоса шу бўлдики, Европада бўладими ёки Осиёда — бирор-бир мамлакат ўзи якка ҳолда тараққий этиши мумкин эмас эди. Айнан шунинг учун ҳам Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг асосий мақсади демократик муҳит ва тажрибалар асосида замонавий бозор иқтисодига ўтишга кўмаклашувдан иборат. Бундай кўмак бир томондан кўшни ва бошқа мустақил ривожланиш сари қадам қўйган мамлакатларнинг тараққий этишига ёрдам бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция жараёнини тезлаштирса, иккинчи томондан келгусида юз бериши мумкин бўлган глобал муаммоларнинг олдини олиш имконияти туғилади. 2001 йил сентябр фожеалари, Афғонистон ва Ироқ муаммолари бундай хавотирнинг ўринли эканлигини кўрсатди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкини тузиш ҳақидаги битим Франциянинг собиқ президенти Ф. Миттеран ташаббуси билан 1990 йилнинг 29 майида Парижда имзоланган эди. Мазкур битим 1991 йилнинг 28 мартидан кучга кирган бўлиб, бугунги кунга келиб ЕТТБ жаҳондаги энг обрўли ва йирик молия тузилмаларидан бирига айланди.

Мазкур банк бошқарувчиларининг илк таъсис курултойи 1991 йил 15-17 апрелда Лондонда бўлиб ўтганди. Ушбу таъсис курултойда ЕТТБнинг ташкилий масалалари кўриб чиқилиб, унинг биринчи президенти этиб Жак Оттали сайланган эди. Ҳозирги кунда эса унинг президенти Жан Лемьер жанобларидир.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг бош қароргоҳи Лондонда жойлашган. 1992 йилда Республикамиз Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон ҳам тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган мазкур банкнинг жами аъзолари сони олтмишта.

Европа Иттифоқи, Европа инвестиция банки ЕТТБнинг муассислари ҳисобланиб, унга аъзо мамлакатлар ҳам ўз улушларига эга.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Низом жамғармаси 20 миллиард еврони ташкил этади. ЕТТБ ҳар йили бир марта ўзининг йиллик анжуманларини ўтказиб туради. ЕТТБнинг бош мақсади Марказий ва Шарқий Европа ҳамда ўз мустақиллигига эришган Ўрта Осиё мамлакатларига бозор иқтисодиёти шароитида демократия ва иқтисоднинг, биринчи галда кичик ва ўрта тадбиркорлик, нодавлат ташкилотлар фаолиятининг ривожланишига кўмаклашишдан иборат.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки фақат аниқ лойиҳаларга максадли кридетлар беради. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ва техник ёрдам кўрсатиш борасида ҳам фаолият олиб боради.

ЕТТБ ташкил топган кундан буён Банкирлар ва менеджерларни ўқитиш, уларга маслаҳат ва кўмак бериш борасида талай ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Ўрта Осиёда аҳоли сони ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан муҳим стратегик ўрин тутади. Шунинг учун ҳам ЕТТБ Ўзбекистонга алоҳида эътибор бераётгани, навбатдаги йиллик анжуманнинг айнан мамлакатимиз пойтахтида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон бугунги кунгача ЕТТБ билан ҳамкорликда еттита лойиҳани амалга ошириб, яна ўн учта лойиҳа ижроси устидаги ишлар давом этяапти. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,4 миллиард долларни ташкил этади. Шунинг билан бир қаторда жами ҳажми 320 миллион долларлик яна саккизта лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Тошкентда икки кун давомида бўлиб ўтган ЕТТБнинг навбатдаги бу анжумани шубҳасиз улкан тарихий аҳамиятга эга. Шу икки кун давомида биз Шарқ ва ғарб юзлашувининг, дўстона мулоқотининг шоҳиди бўлдик.' Бу биринчидан Ўзбекистоннинг халқаро миқиёсда обрўси юксалиб бораётганидан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкига ўхшаш халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилаётганидан далолат берса, иккинчидан анжуман давомида банк бошқарувчилари ҳамда дунёнинг барча минтақаларидан юртимизга ташриф буюрган мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий-ижтимоий мавзулардаги учрашувлар, ўзаро фикр алмашувлар ҳамкорларимиз ҳамда мамлакатимиз ишбилармонлари учун янги имкониятлар эшигини очиб беришига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Жаббор ЭШОНКУЛ

БУНЁДКОРЛИК ЭЪТИБОРИ

Инсоният кишилик тарихида мислсиз ютуқларни қўлга киритаётган бир чоғда, дунё аҳлини эътиборини ўзига жалб этиш осон иш эмас. Айтмоқчиманки, бугун она Ўзбекистонимиз дунё халқларининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб турган экан, бу иззат-эҳтиром замирида юртимизда кечаётган тарихий жараёнлар, беқиёс яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари, энг асосийси, Юртбошимизнинг ташаббускорлиги, узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати мужассам.

Бекзод ЁҚУБОВ,
ҳуқуқшунос

ОЛИЙ ЭЪТИРОФ

Ўйлайманки, пойтахтимизда ўтган бу анжуман чет эллик меҳмонларда, шу билан бирга ҳар бир юртдошимизда катта таассуротлар уйғотди.

Энг асосийси, мазкур йирик анжуман мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаганини, унинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бораётганини яна бир карра исботлади. Бу эса ҳар биримизнинг кўнглимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Дўстмурод ТУРДИЕВ,
ЎзМУ талабаси



УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАКОНИ

Ўзбекистон ўтган ўн йил давомида ЕТТБ томонидан Марказий Осиё минтақаси учун ажратилган кредитларни тақсимлаш борасида унинг энг яқин шеригига айланди.

Бу даврда юртимиздаги кўплаб тадбиркор ва ишбилармонларга минтақаларо ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида катта иқтисодий имкониятлар эшиги очилди. Бундай ёндашув тажриба алмашиш ва малака ошириш имкониятини бергани боис ҳозирда бозорларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати кескин ортди. Банкларимиз фаолияти ҳам дунёнинг ривожланган пул муносабатлари даражасига тенглашиб бормоқда. Юртимизда инвесторларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишига катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам буюк келажакка қўйилаётган мустаҳкам пойдеворларнинг биридир. Юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкчиликни шакллантириш учун барча қулай шарт-шароитлар етарли.

Ўзбекистонда бугунгача ЕТТБ иштирокида 7 та лойиҳа амалга оширилди, 13 та лойиҳа ижроси давом этмоқда. Уларнинг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг. 320 миллион доллар ҳажмидаги яна саккиз лойиҳа устида иш олиб борилаяпти. Бу юртимизнинг демократик тажрибалар асосида замонавий бозор иқтисодиётига ўтишини тезлаштиришда яна бир босқич вазифасини ўтаса, ажаб эмас. Шундай сармояларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш сифатли маҳсулотларни экспорт қилишга янада кенг йўл очиб беради.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда яхши ният билан иш бошлаган тадбиркор ўзининг эзгу ниятларига албатта, етишади. Унинг учун мамлакат ичкарисида ҳам, бошқа юртларда эркин фаолият юритиши учун ҳам қатор қулайликлар яратилмоқда. ЕТТБ каби катта банкларнинг биз билан ишончли муносабат ўрнатаётгани бунинг исботидир.

Камолиддин БУРҲОНОВ,
ҳуқуқшунос

Gazetxon xat yo`llabdi

БИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ҚОНУН

Янги қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунни биз — ота-оналар катта қувонч билан қарши олдик. Қонунда белигланган ҳарбий сафарбарлик резерви чақируви талаб ва шарт-шароитлари, моҳият-эътибори билан қуролли кучларимизнинг обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Қонунда бу турдаги чақирувнинг муддати бир йил қилиб кўрсатилган. Бундан ташқари, чақирувга лаёқатли ёшлар туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари билан шартнома тузади. Унга мувофиқ хизматга чақирилувчи халқ банкига энг оз иш ҳақининг 25 баробар миқдорида пул тўлайди. Пулни бир йўла ёки муддатларга бўлиб, нақд ҳамда кўчириш йўли билан (ўзи, ташкилоти, ота-онаси, ҳомийси) тўлаши мумкин экан. Шундан кейин ёшларимиз бир ойлик машқ-машғулотларга чақирилиб, йил тўлиши билан уларга ҳарбий хизматни тугатгани ҳақида гувоҳнома берилади.

Мен онаман. Яқинда фарзандимиз Голибжонни ҳарбий хизматга жўнатиш ташвишида юрган эдик. Голибжон коллежни тугатиб, компьютер бўйича мутахассис бўлиб ишламоқда. Янги қонун оила аъзоларимизнинг барчасини чексиз қувонтириб юборди. Голибжон энди ўз ишида ишлаб туриб, бир ойлик хизматга бориб келади. Шартнома муддати йил тўлиши билан тугайди ва фарзандимиз ҳарбий хизматни тугатгани ҳақида гувоҳнома олади. Ниҳоятда қулай, қувончли ва адолатли бу қонундан қишлоғимиздаги барча ота-оналар миннатдор бўлмоқда.

Назира ЖУМАЕВА,
Навоий тумани, Дўрмон қишлоғи

ПАЙСАЛЛИК

1999 йилда турли баҳоналар билан "Каромат" деҳқон хўжалигимизни аттестациядан ўтказишмагач, бир қатор мутасадди идораларга мурожаат қилиб, тузукроқ амалий ёрдам ололмаган эдик.

Газетанинг шу йил 1 апрелдаги 12-сонда аризамиз чоп этилгач, фермер хўжалигимиз ва унинг Уставини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқди. Кейин 25 гектар еримизга «Дўстлик» ширкат хўжалиги чигит экиб қўйгани сабабли солиштирма далолатнома тузилиб, улар сарф қилган 3521572 сўмни фермер хўжалигимиз тўлайдиган бўлди. Аммо шунга қарамай ширкат хўжалиги еримизни бутунлай ўзимизга ажратиб беришни пайсалга солмоқда.

Қизиқ, ҳоким қарори чиққан, бунинг устига экилган ҳосил харажатини тўлашни зиммамизга олган бўлсак-да, ширкат хўжаликнинг ҳалиям ерни бергиси келмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Каромат СОДИҚОВА,
Улуғнор тумани, "Каромат" фермер хўжалиги раҳбари

МАСАЛА ҲАЛ БЎЛДИ

Газетанинг шу йил 15 апрел сонида чоп этилган "Ечилмаётган тугун" сарлавҳали мақолада Каттақўрғон шаҳридаги "Нафаз" хусусий фирмаси шартномага асосан Пастдарғом (собиқ Гўзалкент) туман халқ таълими бўлимига 500 минг сўмлик ёзув бури етказиб бериб, уни ҳақини ололмаётгани ёритилган эди.

Ушбу мақолада келтирилган важлар вилоят адлия бошқармаси томонидан жойида ўрганилиб чиқилди ва улар ўз тасдиғини топди.

Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан Пастдарғом (собиқ Гўзалкент) туман халқ таълими бўлими ҳисобидан "Нафаз" хусусий фирмаси фойдасига 500 минг сўм маблағ тўлиқ ундириб берилди.

П. АҲМЕДОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

МИННАТДОРЧИЛИК

Биз Пастдарғом туман халқ таълими бўлимидан 2 тонна ёзув бўрининг пулини ололмаётганимиз тўғрисида тахririятга мурожаат қилган эдик. Бу ҳақда газетанинг шу йил 15 апрел сонида "Ечилмаёган тугун" сарлавҳали мақола босилган эди. Журналист суриштирувидан сўнг хусусий фирмамизнинг банкдаги ҳисоб рақамига Пастдарғом туман халқ таълими бўлимидан маҳсулотимиз пули келиб тушди. Амалий ёрдам учун тахririятга миннатдорчилик билдирамиз.

Э. ЖУМАЕВ,
"Нафаз" фирмаси иш юритувчиси

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувлар кенгашининг XII йиғилишига жаҳоннинг 60 дан зиёд мамлакатлардан вакиллар, йирик халқаро банкларнинг намояндалари, таниқли сиёсатдонлар ва уддабурон тадбиркорлар ташриф буюришди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи кун сайин ортиб бораётгани, мамлакатимиздаги чуқур иқтисодий ислоҳотлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганидан далолатдир. Қаерда сармоя, ишлаб чиқариш ва айниқса, қўшма корхоналар кўпайса, ўша юртнинг ривожи, салоҳияти ортаверади. Буни биз Япония, Жанубий Корея каби Шарқ мамлакатлари тимсолида ҳам кўриб турибмиз.

Бундай нуфузли тадбирларни юртимизда ўтказилиши биз тадбиркорларга кенг йўл очиб бермоқда. Бунга жавобан биз ҳам имкон қадар тезроқ қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз, далаларда етиштирган ҳосилни хусусий корхоналаримизда жаҳон мезонларига мос қилиб, қайта тайёрлашга эришишимиз керак. Зеро, барчамизнинг мақсадимиз мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, бозор муносабатларини шакллантириш, хусусий мулкчиликни барпо этишдир. Бу борада ЕТТБнинг мавқеи катта экани, иккинчи томондан эса, давлатимизнинг улкан сармоявий салоҳиятга эга экани ва у минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бу каби нуфузли тадбирлар юртимизнинг ижтимоий ва иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилади.

Баҳромжон БОЛТАБОЕВ,
Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, фермер

ИФТИХОР

Тошкентда ЕТТБ бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлисининг ўтказилишига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Буни пойтахтимизда қисқа вақт мобайнида амалга оширилган қатор қурилиш ва ободонлаштириш ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўҳна меъморий ва замонавий обидаларга бой гўзал Тошкентимизда кўпгина бинолар қайтадан жиҳозланди. Уларни таъмирлашда миллий меъморчилигимизга кенг эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Шу кунларда шаҳримизнинг кўркам, озода ва равон кўчаларидан юраркансиз, юксак дид билан қурилган муҳташам замонавий биноларга кирар экансиз, дилингизни ифтихор ва фахр туйғуси қамраб олади.

Пойтахтимиз нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ мамлакатларининг бош шаҳарларидан биридир. У Буюк ипак йўли давлатларининг ривожланиш марказигина бўлиб қолмай, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларида ҳам ҳамиша олдинги сафда бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда.

ЕТТБ Бошқарувлар кенгашининг аъзолари ҳам бунга тўлиқ амин бўлишгани шубҳасиз.

Дилноза ШОКИРОВА

ИККИ САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

— Яқинда автокредит олиш мақсадида Халқ банкининг туман бўлимига мурожаат қилган эдим. Банк ходимлари менга "Нексия" автомобили сотиб олиш учун банк ҳисобига йилига 5 фоизли омонат тури бўйича 5 миллион 315 минг сўм пул топширишим лозимлигини айтишди. Бу маблағни топширгач, банк менинг номимга бериладиган кредит пули ҳисобидан "Асакабанк"ка "Нексия" автомобили сотиб олиш учун 10 миллион 630 минг сўм ўтказар экан. Шундан кейин то қарз пули ундириб бўлингунига қадар 10 миллион 630 минг сўм ҳисобидан йилига 20 фоиз миқдорида устама ҳақ тўлар эканман.

Банк менга ўз ҳисобимдан топширилган 5 миллион 315 минг сўм пул учун йилига 5 фоиз миқдорида устама ҳақ тўлаб, "Асакабанк"ка ўтказилган 10 миллион 630 минг сўм пул учун мендан 20 фоиз миқдорида устама ҳақ олиши тўғрими?

М. ЙЎЛДОШЕВ,
Беруний тумани, Беруний номидаги ширкат хўжалиги

— Сиз бу борада Марказий Банкка мурожаат қиласиз. Чунки Марказий Банк ва унинг бўлинмаларида олинаётган кредит учун тўланадиган фоиз миқдорлари меъёрий ҳужжатларида аниқ кўрсатиб қўйилган.

Бундан ташқари, автокредит олиш ва уни қайтариш тартиби ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, Фуқаролик Кодексининг кредит шартномаси ва ушбу шартномадаги тартиб-қоидаларни ўзида ифода этган 744-моддадан 748-моддагача бўлган маъёрларга мурожаат қиламиз. Жумладан, Фуқаролик Кодексининг 746-моддасига мувофиқ "кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек, шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Ўз навбатида қарз олувчи ҳам кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақлидир. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи бу ҳақда кредиторни кредит шартномасида белгилаб қўйилган кредит бериш муддатига қадар хабардор қилиши керак. Қарз олувчи кредит шартномасида назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда кредитор шартнома бўйича қарз олувчини бундан буён кредитлашни тўхтатишга ҳақлидир", дея қайд этилган.

* * *

— Мен етти нафар фарзанднинг онасиман. Лекин ҳеч қаерда ишламаганман, яъни меҳнат стажим йўқ. Сўрамоқчи бўлганим шуки, мен нафақага чиқишга ҳақлиманми? Бу борада кўп болали оналарга имтиёз мавжудми?

Моҳия ҚОБУЛОВА,
Каттақўрғон шаҳри, Т.Саъдий кўчаси, 12-хонадон

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарорига берилган 2-сонли иловада иш стажига эга бўлмаган қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз кишиларга нафақа тўлаш ва тайинлаш тартиби кўрсатиб ўтилган. Мазкур қарорга асосан нафақалар **"Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисида"ги** Қонун бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаган, "Никоҳ ва оила тўғрисида"ги Кодексига биноан моддий таъминотга мажбур қариндошларга эга бўлмаган фуқароларга тайинланади ва тўланади.

Бу қарорнинг 6-бандига асосан, агар ёшингиз 55 га тўлган бўлса, ёшга доир нафақа оласиз. Бу ўринда кўп болалик ҳисобборга олинади. Чунки уларнинг ўз оилалари борлиги ҳам эътиборга олинади.

Бу борада сиз ўзингиз яшаб турган ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қиласиз. Агар сизнинг ёшингиз, шароитингиз ана шу қарорда қайд этилган талабларга жавоб берса, сизга нафақа тайинланади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

БИР "ПУФ" МОЖАРОСИ

Ajab savdolar

Пул деганларида садоқат бўлмас экан. Қанча авайлабасрамагин, бошқа бир одамнинг бир "пуфи" билан дуч келган тарафга учиб кетаверар экан. Сиз, албатта, бу гапга ишонмайсиз. Ўзимнинг пулим, ўзим хўжайинман, дейсиз. Бунга эътироз билдириш қийин. Лекин ховослик тадбиркор А.Исмоилов бу гапнинг ростлигига ишонч ҳосил қилди. Кунлардан бир кун у "Тадбиркорбанк"нинг Янгиер шаҳар бўлимига келса, нафақат пули учиб кетибди, қолганларнинг ҳам ранги ўчиб қолибди.

Очиғи, бунақасини тадбиркор умрида эшитмаган ҳам экан. Шу боис ҳайратланиб, банк бўлими бошқарувчиси Расул Шерматов ҳузурига кирса, у қўлига бир қоғоз тутқазибди. Тадбиркор хатнинг охирини ўқий қолибди: "...Янгиер шаҳар солиқ инспекцияси томонидан 2003 йилнинг 14 феврал куни 2216748 сўм 61 тийинга инкасса талабномаси ва Фуқаролик Кодексининг 184-моддасига асосан қўйилди ва банк томонидан 2003 йил 20 феврал куни 913041 сўм 61 тийин тўлаб берилди. Ҳозирда "Буғдой нон" хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг 1303707 сўмга Янгиер ДСИ олдида қарздорлиги мавжуд" (тахрирсиз берилди).

— Ахир солиқдан қарздор эмасдим-ку, — дебди тадбиркор.

Бошқарувчи инкасса талабномалари нусхасини тақдим этибди. Солиқ идорасидагилар ҳам тадбиркорга "Хусусий қилиб сотиб юборилган собиқ корхонанинг кам-кўсти учун сиз жавоб берасиз", дейишибди.

Шу йилнинг 7 март куни хусусий тадбиркор А.Исмоилов ёрдам сўраб вилоят адлия бошқармасига келди. Ҳуқуқшуносларнинг ахвол билан танишгач, Янгиер шаҳар солиқ идораси бошлиғи Ф.Ҳотамов мутлақо ноҳақ экан, деган хулосага келишди.

Асл воқеа қуйидагича кечган:

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг ишчилар таъминотига қарашли Ховос станциясидаги "Нон ёпиш" ишлаб чиқариш савдо корхонаси Республика давлат мулк қўмитасининг 2001 йил 31 майдаги "37к-АК" буйруғига асосан кўчмас мулк биржасининг "кимошди" савдосига қўйилган. Лекин харидор бўлмагани учун корхона 2001 йил 24 сентябрда биржа савдосига чиқарилган. Биржада корхона кўп марта савдога қўйилган бўлса-да, харидордан таклиф тушмаган.

Давлат мулк қўмитаси эксперт қўмитасининг 2002 йил 7 февралдаги 02-7-80 сонли баённомасига асосан корхона 12 миллион сўмга баҳоланиб, 2002 йил 28 мартдаги 769-сонли олди-сотди шартномасига асосан тадбиркор А.Исмоилов томонидан хусусий мулк сифатида сотиб олинган. Шу йил 24 июнда А.Исмоиловга ушбу корхонанинг мулкдори сифатида Республика давлат мулк қўмитаси томонидан 1635-сонли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилган.

2002 йил 31 июл куни Янгиер шаҳар ДСИ томонидан ушбу "Давлат савдо ишлаб чиқариш" корхонасининг 2000-2001 йилларидаги молиявий фаолияти юзасидан текшириш ўтказилиб, корхона ҳисобига қўшимча 227500 сўм фойда солиғи ҳисобланиб, шу маблағнинг 10 фоизи, яъни 22750 сўм маблағни ўз вақтида тўғри ҳисоблаб бюджетга ўтказмагани ва кечиктирилган кунлар учун 55722 сўм, шу йиллардаги савдо фаолияти учун корхона ҳисобига қўшимча 119000 сўм ялпи даромад ҳисобланиб, бу маблағнинг 100 фоизи миқдорида, жами 238000 сўм, 111 дона ҳисоб варақа (накладной)ларни расмийлаштириш тартибини бузгани учун ҳар бир расмийлаштирилмаган ҳисоб варақа учун энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима қўллаш тўғрисида 2002 йил 6 августда қарор чиқарилган.

Ушбу кам ҳисобланган солиқлар ва хато-камчиликлар "Давлат савдо ишлаб чиқариш" корхонасининг собиқ раҳбари Н.Абдуғаффоров ҳамда бош ҳисобчиси Н.Воронина даврида содир этилган. Йиллик ҳисоботлар улар томонидан тузилиб топширилгани боис шаҳар ДСИ бошлиғининг 2002 йил 5 августдаги қарорига кўра, уларнинг ҳар бирига МЖТКнинг 175-моддаси 1 ва 3-қисмлари билан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида, яъни 39450 сўмдан жарима қўлланилган.

Бироқ молиявий жаримани собиқ корхонадан ундиришнинг имкони йўқ эди, бутун воситалар хусусий тадбиркор қўлига ўтиб кетган ва энди у "Буғдой нон" хусусий ишлаб чиқариш савдо корхонаси деб номланарди. Бироқ бундан Янгиер шаҳар ДСИ ходимлари хафа бўлиб ўтиришмади, Фуқаролик Кодексининг 184-моддасига асосан, деган важ билан молиявий жаримани "Буғдой нон"дан ундириш юзасидан унинг ҳисоб рақамига инкасса талабномасини қўйишди. Буёғи қандай давом этганидан эса сиз хабардорсиз.

Янгиер шаҳар Давлат солиқ инспекцияси Фуқаролик Кодексининг 184-моддасини қуйидаги ҳолларга кўра нотўғри қўллаган эди:

1. Фуқаролик Кодексининг 184-моддасида қонунларда бошқача кўрсатилмаган бўлса, мол-мулк янги мулкдорга ўтганида, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида собиқ мулкдорнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам унга ўтиши белгиланган.

Ҳолбуки, фуқаро А.Исмоиловга давлат мулк қўмитасининг 2002 йил 28 мартдаги 83 к-По буйруғи ва шу кундаги олди-сотди шартномасига биноан корхона балансидаги асосий воситалар ва жиҳозлар сотилган. Янги мулкдор шартнома ёки бошқа бирор-бир ҳужжат билан ўзгача мажбурият қабул қилмаган.

Фуқаролик Кодексининг 493-моддасига мувофиқ корхонани топширишга тайёрлаш, топшириш далолатномасини тузиш сотувчига юклатилган. Шу боис, тегишли ҳужжатларни лозим даражада расмийлаштирмасдан топширгани учун жавобгарлик сотувчи зиммасига тушиши зарур. Бундан ташқари, Фуқаролик Кодексининг 491-моддаси 2-қисмида ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартномада кўрсатилгани ҳолда сотиб олувчига ўтиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

2. Солиқ инспекцияси томонидан фаолияти текширилган, умуман бошқа юридик шахс ҳисобланган корхонага нисбатан белгиланган жарималарни "Буғдой нон" хусусий корхонаси зиммасига юклаш мантиқан асоссиздир. Чунки мулкдор А.Исмоилов корхонани сотиб олган (2002 йил мартда) пайтда ҳали солиқ инспекцияси томонидан корхона фаолияти текширилмаган эди. Бундай ҳолда собиқ корхонанинг собиқ раҳбарлари йўл қўйган қонунбузилишлар ва уларнинг зиммасига олган мажбурияти юзасидан "Буғдой нон" корхонаси жавобгар бўлолмайди.

Фуқаролик Кодексининг 333-моддасида қарздор айби бўлган тақдирдагина мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик келиб чиқиши белгиланган. Юқоридаги ҳолатда эса айбдор шахсларнинг айби текшириш далолатномаси ва маъмурий, молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорлар билан тасдиқланган бўлиб, "Буғдой нон" хусусий корхонасига нисбатан бундай мазмундаги ҳеч қандай қарор мавжуд бўлмаган. Яна бир ғалати ҳолатга эътибор беринг: хато ва камчиликлар учун собиқ корхона раҳбарлари жарима тўлаши керак, собиқ корхона қарзи ва унга белгиланган моддий жаримани эса янги корхона тўлаши лозим эмиш. Балки ушбу корхонанинг барча воситалари ва жиҳозларини сотиб олгани учун жаримани собиқ раҳбарлар ўрнига ҳам А.Исмоилов тўлаганида мантиқан тўғри иш бўлармиди?!

Аслида амалдаги қонун ҳужжатларига, жумладан, Фуқаролик Кодексининг 53-56-моддаларига асосан, "Давлат савдо ишлаб чиқариш" корхонасини тугатиш жараёнида ушбу жарималар бевосита айбдорлардан ундирилиши ёки судга даъво аризаси киритиш орқали можаро ҳал этилиши лозим эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарорининг 7-бандига асосланиб, вилоят адлия бошқармаси вилоят давлат солиқ бошқармасидан Янгиер шаҳар ДСИнинг "Буғдой нон" корхонасига нисбатан қўйилган инкасса талабномасини қайтариб олиб, бекор қилишни ва ундирилган маблағни эгасига қайтаришни, ушбу масалада қонунбузилишга йўл қўйган масъул ходимларнинг жавобгарлигини ҳал этишни сўраган эди. Сирдарё вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Ш.Мирзаевнинг маълум қилишича, "Буғдой нон" ХИЧ-Кга ноқонуний қўйилган инкасса талабномаси қайтариб олинган. Жавоб хатида яна шундай ёзилган: "Ушбу салбий ҳолат бошқарманинг 26 март куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилиб, инспекция бошлиғи Ф.Ҳотамовга қаттиқ огоҳлантириш берилиб, келажакда бундай қонунбузарликлар содир этилса, уни эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши масаласи кўриб чиқиши кўрсатиб ўтилди".

Ваҳоланки, амалдаги Меҳнат Кодексининг 181-моддасида ходимларга интизомий жазо қўллашнинг уч тури белгиланган. Яъни, ҳайфсан, жаримага тортиш ва ишдан бўшатиш.. "Қаттиқ огоҳлантириш" жазоси эса йўқ...

Дарвоқе, шу жавобни олиш ҳам ҳуқуқшуносларга осон бўлмади. Аввалига шаҳар ва вилоятдаги солиқ идоралари раҳбарлари қароримиз қатъий, биз ҳақмиз, деб туриб олишди. Можаро давлат солиқ қўмитаси муттасаддилари аралашгандан сўнггина юмшади. Шундан кейин инкасса йўли билан ундирилган 1200 минг сўм эгасига қайтарилди. Шу орада 14 февралдан 26 мартгача қирқ кун ўтди. Ҳалол ишлаётган тадбиркорнинг пули шунча вақт бировнинг ҳисобида турди. Хўш, А.Исмоилов кўрган моддий ва маънавий зарарни ким тўлайди? Солиқ идораси бир «пуф» билан бировнинг пулини тортиб олаверади-ю, тадбиркор идорама-идора сарсон бўлиб юраверадими?

Абдубакир БОЙСАРИЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ҳақиқий асослар мавжуд бўлган тақдирда терговчи, суриштирув идораси ва суд эҳтиёт чорасини қўллашга нафақат ҳақли, балки мажбур ҳамдир. Эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида уни қўлловчи идора вакиллари бир қанча ҳуқуқий шартларга риоя қилиши лозим.

ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ

уни қўллашнинг процессуал кафолати хусусида баъзи мулоҳазалар

Биринчидан, эҳтиёт чораси фақат жиноят иши қўзғатилган ишлар бўйича танланиши мумкин. Бу — шахсни асоссиз, ўзбошимча қамаш ва бошқа мажбурлаш чораларидан ҳимоя қилади, унинг дахлсизлиги кафолатланади. Нафақат қамоққа олиш, балки бошқа эҳтиёт чоралари ҳам, яъни муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат, шахсий ва жамоат кафиллиги ва бошқалар, агар жиноят иши қўзғатилган бўлса, қўлланиши мумкин эмас. Жиноят ишларини қўзғаш, тергов қилиш ва ҳал этишга қонуний ҳуқуқи бўлмаган шахслар томонидан эҳтиёт чоралари қўлланишига йўл қўймаслик ҳам шундан келиб чиқади. Хусусан, милиция, паспорт столи ходими, терговчининг жамоатчи ёрдамчиси, халқ посбони, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар эҳтиёт чорасини танлаш ҳуқуқига эга.

Иккинчидан, эҳтиёт чораси айбланувчига таҳдид солаётган жиноий жазодан қаттиқроқ бўлмаслиги лозим. Агар айбланувчига нисбатан бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш назарда тутилмаса, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танлашга рухсат берилмайди. Агар жазо сифатида озодликдан маҳрум этишнинг тайинланиши мумкин бўлмаса, бундай ҳолларда қамоққа олишга қараганда юмшоқроқ эҳтиёт чораси танланиши керак. Тергов ёки судда айблашнинг юридик томони ўзгарганида ҳар гал эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласини ҳам муҳокама қилиш зарур, токи у янги айбловга мувофиқ бўлсин.

Учинчидан, шахсни айбланувчи сифатида жалб этиш ҳар қандай турдаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг шарти ҳисобланади. Қонун ҳужжатларидан суднинг жиноят ишини қўзғайдиган янги шахсларга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш ҳуқуқини олиб ташлаш мақбул бўларди. Чунки айблов мавжуд эмас экан, эҳтиёт чораси ҳам қўлланмаслиги керак.

Аниқ шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиб, бу билан суд уни айбланувчи сифатида жалб этади ва мазкур ҳолда ҳам эҳтиёт чораси қўлланади, деган нуқтаи назар мавжуд. Қонуннинг бундай талқинига қўшилиб бўлмайди. Аввало, қонунда уларни айбланувчи сифатида жалб этиш тўғрисида эмас, балки айнан янги шахсларга нисбатан суд томонидан жиноят ишини қўзғаш тўғрисида сўз боради. Судга айблаш вазифаси юкланмаган ва судга фуқароларни айбланувчи сифатида жалб этиш ҳуқуқини бериш нотўғри бўларди. Айрим тадқиқотчилар умуман қонуннинг бу моддасини бекор қилишни таклиф этади. Бироқ бу таклифга ҳам қўшилиб бўлмайди. Зеро, суд тергови кўрсатганидек, суд ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлган шахслар нисбатан иш қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Бизнингча, ЖПКнинг 239-моддаси 1-бандига қуйидаги қўшимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди: "Эҳтиёт чораси шахсга фақат айблов эълон қилингандан кейин ва у айбланувчи сифатида сўроқ қилинганидан сўнг қўлланиши мумкин".

Тўртинчидан, тегишли субъектга, яъни жиноий жавобгар бўлиш ёшига етган (16 ёш, энг хавфли жиноятлар содир этилганда - 14 ёш) шахсга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланиши мумкин.

Эҳтиёт чорасини қўллаш йўл қўйиладиган субъектлар қаторига чет элликлар, шунингдек, фуқаролиги йўқ шахслар ҳам кириши мумкин. Дипломатик дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадиган шахслар бундан мустасно. Жиноий жавобгарликка тортишга ваколатли идораларнинг розилиги бўлган тақдирдагина, сайлаб қўйиладиган ва тайинланадиган шахсларнинг бир қатор тоифаларига нисбатан эҳтиёт чоралари қўлланиши мумкин. Бу тоифаларга турли даражадаги кенгашлар депутатлари, судда ўз вазифаларини бажариш чоғида судьялар, халқ маслаҳатчилари, ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахсларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Назаримизда, эҳтиёт чораларининг мақбул тизими қуйидагидан иборат бўлиши мумкин.

I. Умумий чоралар: 1) қамоққа олиш (прокурор санкциясига кўра, уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси мумкинлиги кўзда тутилганда); 2) уй қамоғи (прокурор санкциясига кўра, бир йилдан ортиққа эркинликдан маҳрум этиш жазоси мумкинлиги кўзда тутилганди); 3) айбланувчини милиция назоратига топшириш (прокурор санкциясига кўра, бир йилдан кам муддатга эркинликдан маҳрум этиш жазоси мумкинлиги назарда тутилганда); 4) гаровга олиш; 5) муносиб хулқ-атвор тўғрисида тилхат; 6) шахсан кафил бўлиш; 7) жамоат бирлашмаси ёки меҳнат жамоасининг кафиллиги; 8) маҳалла назоратига топшириш.

II. Махсус чоралар: 1) қўмондонликнинг ҳарбий хизматчи хулқ-атвори устидан кузатуви (қаттиқлиги бўйича 5-бандга тенглаштирилади); 2) вояга етмаган боланинг ота-онаси, васий, ҳомийнинг қаровига топшириш (қаттиқлиги бўйича 6-бандга тенглаштирилади); 3) вояга етмаганни ёпиқ болалар муассасаси маъмуриятининг назоратига топшириш (қаттиқлиги бўйича 3-банга тенглаштирилади).

Ҳуқуқий адабиётларда қонунда назарда тутилган кўп сонли эҳтиёт чораларидан амалда фақат иккитаси - муносиб хулқ-атворда бўлиш (бошқа давлатларда ҳеч қаёққа кетмаслик) тўғрисида тилхат ва қамоққа олиш (ҳарбий хизматчилар ишлари бўйича эса ҳарбий қисм қўмондонлигининг кузатуви) чоралари қўлланиши таъкидланади.

Эҳтиёт чораларининг қўлланиши тўғрисидаги 1999-2001 йилги маълумотларда қайд этилишича, Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бу даврда асосан қамоққа олиш ва муносиб хулқ-атворда бўлишга доир эҳтиёт чоралари қўлланилган. Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Андижон, Қашқадарё вилоятларида қамоққа олиш чораси камайиб, ўрнига муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат кўпайган. Ҳозирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг олдида турган долзарб вазифалардан бири қамоққа олиш эҳтиёт чораси ўрнига шахсларнинг эркинлигини камроқ чеклайдиган бошқа эҳтиёт чораларини кўпроқ қўллашдан иборат.

"Эҳтиёт чорасини танлаш фактининг ўзи муқаррар равишда айбланувчининг ҳуқуқларини ва биринчи навбатда шахснинг дахлсизлик ҳуқуқини чеклаш билан боғланган", деган фикр ҳам бор. Бу фикрдан барча эҳтиёт чоралари мажбурлаш хусусиятидан маҳрум этилиши мумкин эмас, деган хулоса чиқади. Бироқ гаров, кафиллик ва қаровга топшириш кўринишидаги эҳтиёт чоралари айбланувчининг умумий ҳуқуқий мақомини чекламайди, хусусан, уни шахс дахлсизлиги ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Ушбу чораларни танлаш пайтида ва уларни қўллаш давомида айбланувчи ҳеч қандай ҳуқуқда чеклашлар, камситишларга тортилмайди, унга ҳеч қандай зарар етказилмайди. Кафиллик, қаровга топшириш, кузатувга олиш чораларини қўллашда бу чораларни қўлловчи шахс айбланувчининг ҳуқуқий мақомини чекламайдиган ҳеч қандай хулқ-атвор шартларини белгилашга ҳақли эмас.

Барча эҳтиёт чоралари шахсни муайян хулқ-атворга мажбур этади, лекин бу турлича кўринишга эга. Кафиллик, қаровга олиш билан боғлиқ чоралар айбланувчининг руҳиятига таъсир кўрсатиб, уни нохуш оқибатлар келиб чиқиши таҳдиди остида маълум ҳаракатлардан тийилишига мажбур этади. Бундай оқибатлар икки хил бўлиши мумкин: суд томонидан айбланувчининг кафиллари ва қонуний вакилларига татбиқ этиладиган мулкий жазо ва баъзи бир маънавий талофатлар. Мазкур ҳолатда мажбурлашнинг руҳий (психологик) механизми қандай бўлади, деган савол туғилиши шубҳасиз. Бунга жавобан айтсак, терговчи (суд), айбланувчи ва кафил (қаровга олган шахс) ўртасида уч томонлама муносабат юзага келади. Кафил айбланувчининг рисоладагидек хулқ-атворини таъминлаш ҳуқуқий мажбуриятга эга бўлади, лекин у айбланувчини қонунга итоат этувчи хулқ-атворга мажбур этиш учун юридик ҳуқуққа эга бўлмайди (ота-онанинг болаларни тарбиялашга доир ҳуқуқи бундан мустасно). Айбланувчи ўзини кафилликка

Huquqiy ma`rifat

олган шахсга нисбатан мулкий ва маънавий тусдаги нохушликлар келтиришни хоҳламайди ва шу сабабдан рисоладагидек бўлмаган хулқ-атвордан ўзини тияди. Айбланувчи билан кафил ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ушбу эҳтиёт чораларини қўлланади. Агар айбланувчи бу давр ичида ўзини рисоладагидек тутмаса, терговчи (суд) билан кафил ўртасидаги регулятив ҳуқуқий муносабат жавобгарликнинг ҳуқуқини муҳофаза қилиш муносабатига ўтади. Демак, айбланувчининг рисоладагидек бўлмаган хулқ-атвори мазкур ҳуқуқий муносабатни туғдирган юридик факт ролини ўйнайди ва бу нарса мазкур эҳтиёт чораларини қўллаш чоғида эътиборга олинади.

Ҳар бир айбланувчидан, агар у қамоқа олинмаган бўлса, суд ва терговдан яширинмаслик, жиноий фаолият билан шуғулланмаслик ва ҳақиқатни аниқлашга, ҳукмни ижро этишга тўсқинлик қилмаслик тўғрисида ёзма мажбурият олиш, чақириқлар бўйича ҳозир бўлиш ва яшаш жойини ўзгартиргани тўғрисида маълум қилиш (ЖПК 250-моддаси) мажбуриятлари юкланади. Айбланувчини, ана шу мажбуриятлардан бирортаси бажарилмаган тақдирда қамоққа олишга қадар янада қаттиқроқ эҳтиёт чораси танланиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш зарур. Мажбуриятларни ўз зиммасига олганлиги кўрсатилган баённома тузилиши ва айбланувчига уларни бажармаслик қандай оқибатларга олиб келиши тушунтирилиши лозим. Баённома тузилганда кафиллар, гаров берувчи, қаровга олувчи ёки назорат қилувчи шахслар ҳозир бўлиши шарт. Бу шахслар терговчи ва айбланувчи билан бирга эҳтиёт чорасини ижро этишга қаратиш тўғрисидаги баённомани имзолашлари керак. Эҳтиёт чораси танланганда суд томонидан тегишли ҳаракатлар суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,
тадқиқотчи

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

АВТОМОБИЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Алкоголли ичимлик ёки гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш барчага, айниқса, транспорт воситасини бошқарувчиларга кескин салбий таъсир ўтказиши аллақачон ўз исботини топган. Энг ёмони, спиртли ичимлик ичганда ҳайдовчи организмида бошқарув учун зарур бўлган реакция йўқолади. Ана шунинг оқибатида кўнгилсиз воқеалар содир бўлиши ҳеч гап эмас.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги қонунларимизда бундай ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 131-моддаси 1-қисмига кўра, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимлик, гиёҳванд модда таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиш ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум этишга олиб келади.

131-модданинг 2-қисмига кўра, айнан шундай ҳуқуқбузарлик (131-модданинг 1-қисми назарда тутилмоқда) маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум этилади.

Мазкур модданинг 3-қисмига мувофиқ, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқий бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимлик, гиёҳванд модда таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши энг кам иш ҳақининг етти баравари миқдорида жарима солинишига олиб келади.

131-модданинг 4-қисмига кўра, алкоголли ичимлик, гиёҳванд модда таъсирида ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситаларини бошқаришни энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Жиноят Кодексининг 261-моддаси маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришдаги йўл қўйиши ҳолати учун жиноий жавобгарликка кўзда тутилган. Жумладан, транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахснинг маст ҳолатдаги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобил транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш баданга оғир шикаст етказишига ёхуд одам ўлишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш муайян туркумдаги жавобгарликни келтириб чиқаргани ҳолда, айбдорларнинг моддий ва маънавий зарар кўришларига сабаб бўлади.

Хулоса сифатида айтсак, мастлик ёмон илат. Ундан тийилиш эса жуда кўп кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Mohiyat

ЯРАШИШ ҚАНДАЙ ЯХШИ!

Иброҳимжон билан Мукаррамжон девордармиён қўшни. Улар Шаҳрихон туманидаги Бўстон қишлоғида яшашади. Шу вақтгача уларнинг орасидан қил ҳам ўтмаган, тинч-тотув яшаб келишар эди.

Яқинда нима бўлди-ю, ўртага низо тушди, қўшнилар жанжаллашиб қолишди. Мукаррамжон ҳовлининг бир чеккасидаги қўшниси уй қуриш учун қуйиб қўйган бетон пойдеворнинг орқасидан ариқ кавлаётганди. Бундан хабар топган қўшниси Иброҳимжон тутақиб кетди:

— Ҳой, қўшни нега айнан пойдеворни орқасидан ариқ қазияпсан, ахир, сув оқиб турса, у чўкиб кетади-ку?!

— Ҳе, ковласам, ўзимнинг ҳовлимдан ковлаяпман. Сенга нима? — деди Мукаррамжон ҳам бўш келмай. Шундан сўнг икки ўртада жанжал келиб чиқади.

Бир пасда Иброҳимжон қуюшқондан чиқиб кетди. У қўшнисига қўл кўтарди. Ана шунинг оқибатида Мукаррамжоннинг соғлиги узоқ вақт пасайишига, умумий меҳнат қобилиятини ўн фоизидан ўттиз фоизигача ёмонлашувига сабаб бўлган ўртача оғир тан жароҳати етказди.

Шу тахлит иш судгача бориб етди. Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман суди мажлисида жабрланувчи М.Бузрукхоновнинг судланувчи Иброҳимжон Худойбердиев билан ўзаро ихтиёрий ярашиб олишгани, унинг ўз айбига тўла иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, бундан ташқари жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги, ярашиш юзасидан жабрланувчига ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлиги аниқланди.

Уларнинг ўзаро ихтиёрий ярашиб олганликларини ҳисобга олиб, Иброҳимжон Худойбердиевга нисбатан Жиноят Кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ҳаракатдан тугатилди ва у жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Иккинчи бир воқеа. Муқимжон Деҳқонов эрталаб ўзининг "Москвич" автомашинасида кетаётиб, кутилмаганда йўлга югуриб чиққан 1996 йилда туғилган Бунёдбек Норматов деган болани уриб юборади. Бунинг натижада бола оғир тан жароҳати олади.

Шу пайтда ҳайдовчи инсонийлик юзасидан болани дарҳол касалхонага олиб боради, унга тиббий ёрдам ташкил қилади. Кейин ҳам у болани даволанишига моддий томондан ёрдам кўрсатади ва тез кунда ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Бундан жабрланувчи боланинг ота-онаси хурсанд бўлди ва улар ҳам ўзаро ихтиёрий ярашиб олишди.

Албатта, ҳаётда ҳеч ким атай автоҳалокат содир этмайди. Буни Бунёдбекнинг ота-онаси ҳам тўғри тушунишди. Шунинг учун суд Муқимжон Деҳқоновга нисбатан Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноий ишни ҳаракатдан тўхтатди ва жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Хўш, биз юқоридаги икки воқеани нега келтирдик?

Бундан кўзланган муддао шуки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг юксак самарасини таъкидлашдир. Зеро, бугунги кунда жазоларни либераллаштириш туфайли суд залидан ўзаро ярашиб, мамнун қиёфада чиқиб кетаётган кўплаб инсонларни учратиш мумкин. Қонун жазо тайинлаётганда инсоннинг руҳий ҳолатини биринчи навбатда инобатга олиши керак. Чунки ҳаётда ҳар хил вазиятга тушиш мумкин. Айтайлик, шўро замонида ана шундай қилмиш содир этган киши айбдор деб топилар ва албатта, узоқ йил қамоқ жазосига тортилар эди. Бу ҳол эса, ўз навбатида яна бир қанча оқибатларни келтириб чиқаради. Арзимаган нарсалар, турмушнинг турли чорраҳаларида аччиқ устида бўлиб ўтган келишмовчиликлар туфайли судланганлик тамғасини олиш, жазоланиш, ҳатто қамалиш энди ўтмишда қолиб кетди.

Бу суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислоҳотларнинг мевасидир. Суд энди фақат жазоловчи идора эмас, балки яраштирувчи идора ҳам бўлиб қолди, десак, муболаға бўлмайди.

Раҳматулла УЗОҚОВ,
ҳуқуқшунос

ЕТТБ: Тарихга муҳрланган лаҳзалар

Jahon tajribasi

АНИҚЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

ёхуд Францияда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми

Жаҳоннинг ривожланган давлатларидан бири бўлган Франция қонунчилигига мувофиқ, мамлакатда хусусий корхоналарнинг асосий қисмини тижорат мақсадида товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган юридик жиҳатдан мустақил ташкилот ҳисобланувчи фирмалар ташкил этади.

Бу ерда тижорат корхоналари якка тартибдаги корхона (entreprise individuelle), яъни якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти, тўлиқ ширкат (societe en nom collectif), акциядорлик-коммандит ширкати (societe en commandite par action) ёки коммандит ширкат (societe en commandite simple), шунингдек, масъулияти чекланган жамиятлар (societe a responsabilite limitee) ва акциядорлик жамиятлари (societe anonyme) шаклида ташкил этилиши мумкин.

Тўлиқ ширкатлар, акциядорлик-коммандит ширкатлари, коммандит ширкатлари, масъулияти чекланган жамиятлари ва акциядорлик жамиятлари фаолият шаклидан қатъи назар, ўз шаклига кўра тижорат корхоналари ҳисобланади. Жамиятнинг шакли, унинг амал қилиш муддати, уни ташкил этиш сабаблари, сармоясининг миқдори, жойлашган жойи, мақсад ва вазифалари унинг Низоми билан белгиланади.

Жамият савдо реестрида рўйхатга олингач, муассислар, бошқарув аъзолари, маъмурият, дирекция ва назорат идоралари савдо судининг девонхонасига мазкур жамиятни ташкил этиш муносабати билан амалга оширилган барча операциялар ҳақидаги батафсил маълумотлар ва жамиятни таъсис этиш қонунга тўлиқ риоя этилганлигини тасдиқловчи декларацияни тақдим этиши лозим.

Қонунчиликда назарда тутилган қоидаларни бажармаганлик (ёки ўз вақтида бажармаганлик) оқибатида келтирилган зарар, Низомдаги камчиликлар учун жамиятнинг муассислари, бошқарув органи аъзолари, маъмурият, дирекция ва назорат қилувчи идоралар жавобгар бўлади.

Энди якка тартибдаги корхоналар фаолиятига тўхталадиган бўлсак, бундай корхона бир шахс ёки оиланинг мулки ҳисобланади ва қонунчиликда бу шахс корхонанинг мажбуриятлари бўйича барча сармоялари ва ўзининг мулки билан жавобгар бўлиши белгилаб қўйилган.

Юридик шахс ҳисобланувчи тўлиқ ширкат умумий фирма номи остида (тўлиқ ширкатнинг барча аъзолари номидан ёки бир шахснинг ёхуд алоҳида шахсларнинг таркиб топган) биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тузилган икки нафар ёки ундан ортиқ шахслар (ҳам жисмоний, ҳам юридик) нинг бирлашмаси саналади. Қонунчиликда ширкат сармоясининг энг кам миқдори белгиланмаган. Ширкатнинг мажбуриятлари бўйича аъзолар солидар тартибда жавобгар ҳисобланади, бироқ кредиторлар даъвони дастлаб ширкатгга нисбатан қўзғатиши ва бу даъво қаноатлантирилмаса, у ҳолда аъзоларининг бирортасига нисбатан қўзғатиши зарур. Агар Низомда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ширкатнинг ишларини бошқариш ва унинг номидан битимлар тузиш ваколатига унинг барча аъзолари эга бўлади.

Коммандит ширкат деб аталувчи корхона тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган икки нафар ёки ундан ортиқ шахсларнинг бирлашмасидир. Бунда маълум бир иштирокчилар (тўлиқ ширкатлар) ширкатнинг ишлари бўйича ҳам ўз улушлари, ҳам барча мол-мулклари билан жавобгар бўлса, бошқа иштирокчилар (коммандитистлар ва пайчилар) фақат қўшган улушлари доирасида жавобгар бўлишади.

Коммандит ширкатнинг Низомида барча омонатларнинг умумий миқдори, ширкатнинг ҳар бир аъзосининг омонати миқдори, ширкат фойдасининг қайта тақсимланиши ёки ширкатнинг тугатилишида ширкат аъзоси ҳар бирининг улуши кўрсатиб ўтилиши лозим.

Францияда фаолият юритувчи масъулияти чекланган жамият ўзида жамиятнинг мажбуриятлари бўйича фақат ўзларининг қўшган улушлари доирасида жавобгар бўлувчи тадбиркорлар бирлашмасини ифода этади. Жамиятнинг муассислари сони 2 нафардан кам 50 нафардан кўп бўлмаслиги лозим. Масъулияти чекланган жамиятнинг номи ўзида аъзоларидан бири ёки бир қанчасининг номини ва ўзининг ҳуқуқий шаклини "Societe a responsabilite limitee" ("Масъулияти чекланган жамият") ёки қисқартмасини ("S.A.R.L.") акс эттиради. Масъулияти чекланган жамият Низом жамғармасининг энг кам миқдори 50 минг франкдан кўп бўлиши лозим. Масъулияти чекланган жамиятнинг қимматли қоғозлар чиқариши қонун бўйича таъқиқланади.

Масъулияти чекланган жамият фаолиятини бошқариш бир ёки бир неча тасарруфчи томонидан амалга оширилади. Улар жамият аъзолари бўлмаслиги ҳам мумкин. Тасарруфчиларнинг исм-шарифлари Низомда ёки бошқа ҳужжатларда акс эттирилади. Агар мазкур ҳужжатларда уларнинг ваколат муддатлари белгилаб қўйилмаган бўлса, у ҳолда тасарруфчилар жамиятнинг бутун амал қилиши даврига тайинланган деб ҳисобланади. Тасарруфчилар бўйича барча тайинлашлар матбуотда эълон қилиниши лозим.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Қизиғи шундаки, йиғилишда жамият аъзосининг манфаатларини унинг турмуш ўртоғи ёки жамиятнинг бошқа аъзоси ифода этиши мумкин. Қонунчиликда масъулияти чекланган жамият тугатилиши (банкротлик ҳолатларидан ташқари) мумкинлиги кўзда тутилган.

Францияда акциядорлик жамияти – бу номинал қийматга тенг белгиланган акциялар сонига бўлинган ва мажбуриятлари бўйича фақат ўз мулки билан жавобгар бўладиган жамиятдир. Мамлакатда акциядорлар сони 7 нафардан кам бўлган акциядорлик жамиятларининг фаолият юритилишига йўл қўйилмайди. Акциядорлар сифатида юридик шахслар билан бир қаторда жисмоний шахслар ҳам қатнашиши мумкин. Акцияларини оммавий равишда тарқатадиган акциядорлик жамиятлари Низом жамғармасининг энг кам миқдори 1.500.000 франкдан кам бўлмаслиги лозим. Оммавий равишда тарқатмайдиган акциядорлик жамиятлариники эса 250.000 франкдан кам бўлмаслиги шарт.

Акциядорлик жамияти маъмурий кенгаш ёки кузатув кенгашининг назорати остидаги директорлар кенгаши томонидан бошқарилиши мумкин.

Акциядорлик-коммандит ширкати эса ўзининг барча мулки билан ширкатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб берадиган битта тўлиқ ширкат билан ўзларининг улушлари доирасида жавобгар бўладиган камида уч нафар акциядорлар томонидан тузилиши мумкин. Акцияларини оммавий равишда тарқатадиган акциядорлик-коммандит ширкати учун Низом жамғармасининг энг кам миқдори 1.500.000 франкдан кам бўлмаслиги лозим. Оммавий равишда тарқатмайдиган акциядорлик-коммандит ширкати учун эса бу миқдор 250.000 франкни ташкил этади.

Акциядорлик-коммандит ширкатининг барча расмий ҳужжатларида унинг ҳуқуқий шакли кўрсатилади. Акциядорлик-коммандит ширкатининг фаолияти акциядорлик жамиятлари ва тўлиқ ширкатлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар билан тартибга солинади.

Франция қонунчилигига мувофиқ, **компанияларни таъсис этиш ва рўйхатдан ўтказиш** муассислар ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Шартномада муассисларнинг мазкур компанияни тузиш тўғрисидаги қарори акс эттирилиши лозим. Шунингдек, унда компания фаолиятининг тавсифи, ҳуқуқий шакли, Низом жамғармасининг миқдори, фирма номи ва жойлашган жойи кўрсатилиши керак.

Компания тўғрисидаги низом нотариал тасдиқлангач, унинг ташкил этилиши ва фаолият соҳасидаги тўғрисидаги хабар компания жойлашган ҳудуддаги савдо суди томонидан чиқариладиган махсус матбуот – ҳужжатлар тўпламида эълон қилинади. Бир вақтнинг ўзида компания муассислари томонидан имзоланган ва ўзида компанияни тузишда амалга оширилган операциялар ҳамда бунда ҳеч қандай қонун бузилиш аниқланмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган "Мувофиқлик тўғрисидаги декларация" бир ой ичида Франция савдо-саноат палаталари ҳузурида тузилган рўйхатга олиш хизматларига тақдим қилинади. Шундан сўнг компания ҳудудий савдо суди томонидан рўйхатга олинади ва савдо реестрига киритилади. Савдо реестрида рўйхатга олинган ҳар бир юридик шахс тижорат корхонаси мақомига эга бўлади ва қонунчиликда ўрнатилган барча қоидаларга амал қилади. Шу билан биргаликда ҳар қандай компания ҳисоб-китобларда, буюртма ва ҳоказоларда у рўйхатдан ўтган савдо судининг номи, шунингдек, рўйхатга олиш рақамини кўрсатиши шарт.

Хуллас, Францияда тадбиркорлик фаолияти қонун асосида тараққий этади. Бунда аниқлик ва ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Акмал БУРХОНОВ

Mushohada

Инсон табиати, унинг ҳаёт йўли шу қадар нозикки, йўл қўйилган ҳар бир хато унда ўз изини қолдиради. Бундан ташқари, инсон ҳамма вақт ҳам йўл қўйган хатосидан тўғри хулоса чиқариб олавермайди. Аксинча, айбни бошқалардан излайди.- Қуйида баён этиладиган воқеалар тафсилоти ана шу масала ҳақида.

КЎНГИЛДАГИ ТУГУН

Уни ўзимиздан бўлак ким ечади?

— Болам юз сўмгина бермайсанми?

Беихтиёр овоз келган томонга ўгирилдим-у кўзим қўшқўлтиқтаёққа таянганича умид билан тикилиб турган кимсага тушди. Чол пул узатган қўлимни кафти билан сиқиб ушларкан, негадир қўйиб юборгиси келмасди. Жилмайган кўйи тағин мени суҳбатга ундовчи сўз қотди:

— Кўришганда бошмалдоқни ушлаб кўринг. Агар у суяксиз бўлса, Ҳизрни учратган бўласиз.

— Бола-чақа, қариндош-уруғлар борми, отахон? — дея ўзимча илмоқли гап қилдим.

— Хотиним олис юртдан эди, кетиб қолди. Болалар ҳам тарқалиб кетишди... Қизимни эса эслагим ҳам келмайди...

— Сиздан хабар олишмайдими?!.

— Бир ота-онамни норози қилиб уйланган эдим. Ўшанда замона зайли ҳам шунақа эди. Лекин менга ўхшаб элдан чиққанларнинг пешонаси шўр бўлади. Эҳ, падарига лаънат бундай кайфу-сафонинг!

Рости гап, чолга, унинг туриш-турмушига юрагим туз сепгандек ачишди. Унга қандай қилиб ёрдам берсам экан, деган ўйга ҳам бордим. Бироқ ўша кун оқшом уни шундай ҳолатда учрадимки, туйқус ҳафсалам пир бўлиб кетди. У ароқ дўкони ёнида вужудининг бутун залворини қўлтиқтаёғига ташланганича, қўллари қалтираб вино ичар эди...

Бу хунук манзарага тикилиб туриб, бирдан ҳамма-ҳаммасини тушуниб етдим. Чол ичкиликка берилиб, нафақат ўз ҳаёти, балки оиласи, фарзандларининг ҳам умрини заҳар қилган. Бошқача айтганда, у жондан азиз оиласини ана шу ичкиликка алмаштириб юборган. Бугун эса ўзининг иллатини яшириш учун «оилам ундай, фарзандларим бундай эди», дея сафсата сотаяпти.

* * *

Мен билан битта купеда кетаётган савдогар аёл саросимага тушди. У боягина бекатдан кўтарасига сотиб олган 50 блок контрабанда сигаретини яширгани жой қидирарди. Уч блок сигаретанинг жилдларини йиртиб, каттакон сумкага жойлаштирди-да, устига ўзининг ич кийимларини ёпиб қўйди. Афтидан, у аёл кишининг ички кийимлари солинган сумкани божхоначилар титкиламайди, деган ўйга борган эди... Лекин унинг ҳали бирёқли қилинмаган яна 47 блок сигаретаси бор эди. Вақт эса зиқ. Ҳадемай божхоначилар купега бош суқадилар-да, юкхоналарни кўздан кечира бошлайди. Агар топиб олишса, контрабанда йўли билан ғайриқонуний олиб кетилаётган товар сифатида сигареталарини олиб қўйишади. Тор купеда безовта типирчилаётган аёл терга ботди. Тағин беш блок сигаретани қўшни купедаги йўловчиларга ялиниб-ёлвориб топшириб келди. Ҳансираб купега қайтар экан, йўл бошидан буён бирон оғиз очмаган, ҳатто салом-алик ҳам қилмаган ҳамроҳи — менга юзланди:

— Акажон, кўринишингизган ўқимишли одамга ўхшайсиз, "ўзим чекиш учун олдим" дея қолинг, ахир, сиздан шубҳаланишмайди-да. Мана шу зорманданинг беш блокини «таможний»дан ўтказиб беринг.

— Биринчидан, чекмайман, — дедим, негадир юрагимнинг туб-тубида бу аёлга нисбатан нафрат уйғона бошлади ва дангалига кўчдим. — Мен ёлғон гапиришни эплолмайман. Аёл бошингиз билан эплайдиган ишингизни қилсангиз-чи!

Гапим аччиқ тарсакидек тегди, шекилли, савдогар аёл ҳўнграб йиғлаб юборди. Шунда унинг мана шу абгор ўйга тушишида ўзимни айбдордек ҳис этдим.

— Қандай қилай, тирикчиликда. Учта норасида сағирни ёлғиз бошим билан боқаяпман. Раҳматли эрим қаттиқ бетобланиб, ётиб қолди. Аҳволи борган сайин оғирлашиб қолди. Эримнинг ҳаёти сўна бошлаган сайин мен оёғи куйган товуқдек нажот излаб югурардим. Дўхтирлар айтган дориларнинг ҳаммасини топиб бердим. Қолганига эса танишбилишларимдан қарз сўрадим. Шунча сарф-харажат, саъй-ҳаракатлар бекор кетди. Хуллас, дафн маракаларидан ҳам ташқари, гарданимда анчагина қарз осилиб қолди. Бу ёқда уч нафар сағир, уларни едириб-кийдириш керак. Ўттизга ҳам кирмай бева бўлиб қолдим. Сочларим оқара бошлади.

— Ота-она, ака-ука, опа-сингилларингиз йўқми? Шундай пайтда қанотингизга киришмайдими? Ахир, бегона эмас-ку?!

— Улар ҳам ўз ташвишлари билан... Ўзларидан билиб ҳамёнларини ковлашмади. Менинг ҳам кафт тутиб, оримни солгим келмади.

— Бошқа турмуш қилмадингизми? Ёки ота-онангизнинг уйига бориб яшаб турганингиз маъқулмасмиди?

— Эй, ота-онам кенжа укамнинг хотини билан келишиб-келишмай яшашаяпти. Мен ҳам кўчиб борсам, дард устига чипқон бўлмайдими? Келинлару-янгаларга туртки бўлиб яшаганимдан кўра... Яхшими-ёмонми, ўз уйимда эрим билан ўн икки йил яшадик. Агар бошқа жойда яшаб ўз уйимни қулфлаб кетсам, назаримда, у тирилиб келиб, қулфлоғлик дарвозани очолмай аразлаб кетиб қоладигандек туюлади. Яхшиси, эримдан қолган уйда унинг руҳини шод қилиб ўтираман.

Очиғи, шундан сўнг аёлнинг садоқатига ич-ичимдан тан бердим. Унга нисбатан кўнглимда ҳурмат уйғонди. У кўзимга дунёдаги энг бахтли аёлдек кўринди. Бироқ орадан кўп ўтмай ўзга бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдимки, юрагим музлаб кетди. Қоронғи тушиши билан аёл купени тарк этди. Ярим тунгача ҳам ўрнига қайтавермади. Хавотирланиб йўлакка чиқдим.

Вагон кузатувчиларларнинг купесида "базму-жамшид" авжида эди. Улфатлар орасида ҳалиги "муштипар"нинг қийқириғи авж пардаги чиққанди. Тавба, нега гапимиз билан босган қадамимиз бир жойдан чиқмайди?

(Давоми тўртинчи бетда)

КЎНГИЛДАГИ ТУГУН

Уни ўзимиздан бўлак ким ечади?

(Давоми. Боши учинчи бетда)

У ҳозирги ҳолатини яна қандай важ-карсон билан оқлайди? Яна етим қолган болалари, бевақт дунёдан ўтган эрини ўртага соладими? Ахир, уларнинг аёл қилмишига нима дахли бор?!.

* * *

ДЎСТИМНИНГ ҲИКОЯСИ

Ҳарбийда бирга бўлган дўстларимиз навбати билан ҳар икки ойда бир марта тўпланиб гап-у гаштак уюштиришарди. Бу гал терговчи ўртоғимизнинг уйида тўпланадиган бўлдик. Мен бироз кеч йўлга тушдим. Очиғи, негадир шу зиёфат, гаштак деб аталмиш сархуш давраларга оёғим тортмайди. Аммо начора, дўсту жўралардан кўнгил узиб бўларканми?!. Бир амаллаб хуфтонда етиб бордим. Хизматдош жўраларимнинг ҳаммаси жуда сархуш эди.

Одатда, бундай дўст-ёрлар тўпланган пайт ўтмиш хотиралари ёдга олинади, кимнингдир ҳаётида муаммо пайдо бўлган бўлса, бамаслаҳат ҳал этилади. Зеро, бундай гап-гаштакларда тўпланишидан асосий мақсад ҳам шундан иборат. Аммо мен ҳозир кириб борган давра бунинг батамом акси эди. Тўпланганлар ўртадаги дастурхон тўшалган хонтахтани муштлаб, ўз ҳукмини ўтказишга уринишар, дам-бадам луғатда йўқ сўзлар билан бир-бировларини "сийлаб" ҳам қўйишарди. Секингина энгашиб хонтахта тагига кўз югуртирдим: у ерда бир талай шиша думалаб ётарди. Улфатларга ичкилик аллақачон ўз таъсирини ўтказиб бўлганди. Дарвоқе, қўшни хонада уларнинг аёллари ҳам «қиттай-қиттай» олишганича, базмни авж олдиришаётганди. Даврадагилардан айримларини демаса, улфатларнинг аксарияти ойлик маош орқасидан рўзғор тебратади. Ҳатто мен билан хилват қолганда, улардан бири «даромадингиз яхши бўлса, бироз ёрдам қилинг», деб сўраган эди. Лекин айни пайтда у ўзини минг қўйли бойдек тутар, ҳеч кимни назар-писанд қилмасди.

— Ошна, келинни ҳам олиб келмабсиз-да. Бир яйраб кетармиди, — дея дакки берган бўлди улфатлардан бири. — Кейинги safар, албатта, ўзингиз билан олиб келинг.

— Албатта, олиб келаман, — дедим шунчаки йўлига.

Аммо мени ичимда бошқа бир ўй қийнар эди: бу иллат ҳаётимизга қаердан кириб келди? Айрим кимсалар нега ичкиликка муккасидан кетган? Ахир, ана шу ичкиликка кетган маблағни оиласи, фарзандларининг билим олиши йўлига сарфлашса, яхши эмасми?!

Бу — масаланинг иқтисодий томони, унинг маънавий жиҳати-чи?!. Ахир, ичкиликка муккасидан кетган кимса болаларга ёлчитиб тарбия беришига ким кафолат беради?

Бундан ташқари, гапу гаштак, умуман айтганда, ана шундай зиёфатларни уюштиришдан муддао нима? Фақат овқат истеъмол қилиш, ақлни йўқотгунга ичимлик ичишми?

* * *

Озғингина, юзлари серажин, нигоҳлари ҳорғин бу аёлни кўрсам, ҳар доим юрагим ҳапқириб кетади. Хокисорлиги шу қадарки, у ҳеч маҳал эрининг юзига тик қараган эмас. Унинг ўрнида ўз қадрини биладиган тилли-жағли хотин бўлганида аллақачон орани очиқ қилган ёки бундай эрни "ўз ўрнига ўтирғизган" бўларди. Ҳеч бўлмаса, юрак ютиб эрига "тўрт болангга қўшилиб сен ҳам гарданимга юк бўлиб осилдинг, инсофинг борми, қанақа эркаксан ўзи?" дея аччиқ ҳақиқатни айтган бўлар эди. Лекин бу аёл ундай эмас. Андиша ва камтарлик бобида барча қўни-қўшни, маҳалла-қўйга ибрат бўлади у. Буни қарангки, аёлнинг омонатгина эри Рамазон кунлари бандаликни бажо келтирди. Аёлнинг ташвиши яна ортди. Эридан қолган тўрт сағирни катта қилиш, ўқитиб, уйлантириш керак. Бу келажакдаги муаммолар. Ҳозирини ҳал этган ҳам авлиё, дейдилар. Ҳозирги бошоғриғи — марҳум эрининг ўтказилажак маракалари... Бундай пайтда кўнгли синиқ кишига яқиндан кўмак, маслаҳат берадиган қариндош-у биродарлар керак.

— Етти, йигирма, қирқ деган гаплар динимизда умуман йўқ экан, — дедим аёлга. — Катта-катта уламолар айтишаяпти. Сиз ҳам буларни қилманг. Ҳеч ким сизни айбламайди. Яхшиси, шунинг харажатини болаларингизга сарфланг...

Маслаҳатим қўшнимга маъқул тушди. Аммо у марҳум эрининг еттилик маъракаси бўладиган куни саҳарда бир қўчқорни сўйдириб, «дом»имиз ёнидаги қари тутга остирди. Ҳол-аҳвол сўрагани бордим.

— Эримнинг қариндошлари ҳоли-жонимга қўйишмади. "Агар кундузи қозон осиб, ош тарқатмасанг, биз томондан умид узавер. Ҳеч биримиз уйингга қадам босмаймиз", дейишди. Ноилож қолдим. Роса ўйладим. Эрим раҳматли билан 25 йил яшабмиз. Бирон марта ҳам уришмадик. Энди у ўлгач, қолган умримни қайноға-ю, қайнсингиллар билан уруш-жанжал қилиб ўтказайинми? Қарзга ботиб бўлса ҳам бир амалларман...

Пешинга яқин марҳумнинг қариндошлари тарафдан тағин бир автобус тўла одам келди. Келган эркаклар белларини қўша-қўша белбоғ билан сириб боғлаб олишган. Улар гуё азага эмас, тўйга келишгандек, тўрт қаватли уйимиз олдига тўшалган кўрпачаларга чордона қуришиб, ёнбош ташлашиб, қўй гўшти еб, шўрва ичишди.

"Вой жигарим, бизни нега ташлаб кетдинг" дея айюҳаннос солиб кимўзарга йиғлашиб, гўё марҳум "жигар"ларининг арвоҳини шод этган, бўлишди. Лекин улар марҳумнинг бевасини қийин-қистовга олишиб, қарзга ботиришди. Жиғилдон ҳузурини деб ўз укаларидан қолган сағирга жабр қилишди. Уларнинг келажакларини ўйлашмади ҳам.

Хўш, шу йўл билан марҳумнинг руҳини шод этиб бўладими? Нега биз ана шу етти, йигирма, қирқ деган нарсалар аслида бориб турган бидъат эканини билсак-да, индамай қўл қовуштириб турамиз? Нега шундай?

Ахир бу нарсаларни дин-у диёнатга ҳам, инсонийликка ҳам ҳеч қандай даҳли йўқ-ку?! Ана шу оддий ҳақиқатни турмушимизга нега сингдира олмаймиз?!

МУҚАДДИМА: ***Турмушда учрайдиган айрим иллатларни бартараф этиш аксарият ҳолларда ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Зеро, ҳаётнинг ўзи инсонга бурч ва масъулият юклайди. Уларни унутиш баён этилгани каби турли иллатларни келтириб чиқариши шубҳасиз. Шу маънода турмушда учрайдиган маънавий жароҳатларга малҳамни ҳам инсонни ўзи топади. Уларни тузатиш, аввало, одамнинг ўзига, сўнгра жамиятга фойда беради.***

Юқорида қайд этилган мулоҳазаларни баён этишдан кўзланган асосий муддао шундан иборат. Уни ким қандай тушунади — бу масала энди ҳар кимнинг ўз ихтиёрига ҳавола.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
«Инсон ва қонун» мухбири

Mushohada

Falsafa va qonun

КАРЛ ЯСПЕРС:

БИЛИШ САНЪАТИ

Улуғ мутафаккир, экзистенциализмнинг асосчиларидан бири, руҳшунос Карл Ясперс ўз битикларидан бирида "Мавжудлик — тушуниш, идрок этиш демакдир. Ва мен ўй-фикрларим, мушоҳада оламим билан ўзимни яшаяпман дея оламан", деб ёзган ва ана шу мулоҳазалари билан фалсафани худди бошқа фанлар қаторида бир қолипга солиб бўлмаслигини, у ҳар қандай қолипни ёриб чиқиб кетишини таъкидлаган эди. У фалсафа илмдан фарқли ўлароқ, билимни ўстириш жараёни эканига урғу бериб, "у баайни санъат асари сингари ноёб ҳодисот" эканини кўп баҳс-мунозараларда ишончли далиллар билан асослашга эришганди.

1883 йили Олмониянинг Гейдельберг шаҳрида дунёга келган Карлнинг ота-онаси оддий одамлардан бўлиб, фарзандининг илм олишига жиддий эътибор беришди. Ёш Карл 1901 йилда махсус гимназияни тугатгач, Гейдельберг дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётига ўқишга киради. Бу ерда уч семестр ўқиб, сўнг тиббиёт факультетида ўқишни давом эттиради ва 1908 йилда бу илм даргоҳини муваффақиятли тугатди. У 1909 йилда тиббиёт доктори даражасини олди. 1915 йилгача Гейдельбергдаги клиникаларда руҳшунос табиб бўлиб ишлади. Шу йиллари "Умумий руҳий ҳолат" номли ўзининг дастлабки йирик асарини тугатиб, руҳшунослик доктори даражасини олди. Гейдельберг дорилфунунида дарс бера бошлади.

Ясперс 1919 йилда ўзининг кўп йиллик меҳнати бўлган "Дунёқараш психологияси" илмий-фалсафий асарини ёзиб тугатди. Бу асари унинг номини бутун Оврўпага танитди. У бу асарида Кантнинг "фалсафий виждонийлик" ғоясига ва Гётенинг кенг қўламдаги дунёқарашларига ҳам ўз муносабатини билдиради. Яна Ясперс фалсафадаги Декарт, И.Кант ва Гегел номи билан боғлиқ бўлган рационалистик анъаналарга қатъий қарши чиқди. Фалсафанинг фан сифатида ўрганилишига ҳам муносабатини билдириб, "Ҳақиқий фалсафа биринчи навбатда фалсафабозлик жараёнининг ўзгинаси", деган ғояни илгари сурди. Туганмас ўй-мулоҳазаларга ва фалсафий мушоҳада юритиш жараёнида саволлар жавоблардан устун келишига эътиборини қаратди. "Ҳамма гап изланишда. У тўхтаган жойда тараққиёт оқсайди", дейди аллома.

"Фалсафа нима?" деган асарида "Фалсафа инсоннинг дунёда яшаётганидаги хулқ-атвори ҳақидаги маълум-номаълум жиҳатларни "ёритувчи" экзистенция ҳолатидир ва у одамзодни трансценденция (Яратганни таниш) га яқинлаштиради, уни "шартсиз бўлиниш" илмий нуқтаи назаридан ҳеч англаб етилиши мумкин бўлмаган "шартсиз бўлиниш" жараёнидан сакраб олиб ўтиб, ўй-мушоҳадалар билан идрок этиладиган фавқулодда бир ҳолатга олиб борувчи алоқа йўлидир", деган ғояни илгари сурди. Ясперснинг назарида, фалсафа юритиш уч қатламдан иборат бўлиб, у борлиқнинг ҳам ана шу уч қатламга бўлиниши туфайли шундай эканига ишора қилади. Борлиқнинг биринчи бўлиниш даражаси — нарсалар мавжудлиги (оламборликда) ёхуд "борлиқ"нинг ўзгинаси. "Бу экзистенция ҳолатининг ташқи даражаси, у шахснинг мавжудлик ядросини ташкил этади. Экзистенция инсонга энг мураккаб ҳолатга тушганида "очилади", оғир азоб-уқубатлар чеканида, ўлим олдида, ўз айбига иқрор бўлиб, ана шу айби учун изтироблар чекаётганида намоён бўлади. Бу пайтда одам қаттиқ қўрқув ҳолатини бошдан кечиради, ўзининг ожизлигини ва ҳали замон йўққа айланиши мумкинлигини ҳис этади. Худди ана шу пайтда инсон ўзи учун "трансцендент олами"ни кашф этади. Унинг борлиги ўзининг сирли ички олами билан мулоқотга киришади, инсонийлик экзистенциясини янги мазмун билан бойитади, деб ёзганда Ясперс борлиқнинг иккинчи бўлиниши — бу улғайиш, экзистенцияни ойдинлаштириш, қалбнинг эътирофи эканини назарда тутган. Ва ниҳоят, учинчи поғонаси — трансцендент сирлиликни англаш фалсафанинг чуқур вазифаларини ўзида мужассамлаштиради. Ясперснинг фикрича, фалсафабозлик учун метафизика тушунчаси асосий қимматга эга. Айнан ана шу тушунча фалсафий мушоҳада юритишнинг мазмунмоҳиятини белгилашини, қимматини оширишини у мисоллар билан далиллашга уринади. Фалсафабозликнинг якуни сифатида фалсафий эътиқод майдонга чиқади. Магар диний эътиқод ҳақиқатга етишишни ташкил этса, фалсафий эътиқод эса мушоҳада оламининг натижаси ўлароқ майдонга чиқади. Ясперс инсоннинг маънавий тараққиёти, шунингдек, унинг ўтмиш асотирлар олами билан чамбарчас боғлиқлиги бизнинг мавжудлигимиз мазмуни йўқолишига эмас, аксинча, ўзига хос борлиқ ҳам мавжудлигини ва бу борлиқ трансцендент фикрлаш тарзи орқали мутлақ ҳақиқатга эл-тажагини исботлашга уринган. Ясперснинг фикрича, эътиқод тафаккурга қарши турмайди, балки иккови биргаликда мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирини ақлдан ташқарида тасаввур этиш мушкул. Ақлий ва ақлий бўлмаган қарашларни бир-бирига қарши қўйиш мутлақо мумкин эмас. Зеро, бу нарса экзистенция муаммосини чалкаштириб юбориши мумкин. Моҳиятан ақлийликдан махрум қарашлар эътиқод асосини ташкил этишини тасаввур этиш қийин. Фикрловчи кишининг, фалсафашуноснинг эътиқоди учун ақлийлик фақат билим билан бирликда намоён бўлиши одатий ҳолдир. У ҳамиша ўзини ўзи тушунишга, идрок этиш мумкин бўлган нарсани билишга ошиқади. Шундай қилиб, билимсизлик фақат трансцендент деб аталувчи борлиқ сир-синоатининг субъектив гувоҳи сифатида иштирок этар экан. Фалсафий эътиқод шунинг учун эътиқодки, унинг трансцендентлиги ҳеч қачон рационал далиллар билан исбот этилмайди. Лекин у шунинг учун фалсафаки, нима бўлганда ҳам трансцендент ҳақида маълум бир билимни беради. Бу билим эса бевосита эътироз билдирилиши мумкин бўлган сабаблардан ҳоли эканини айтиб ўтиш жоиз.

Транценденция шундай бир сирли нарсаки, унда эътиқод ва билимнинг бирлашиб кетганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Бундан фалсафий эътиқод — диний эътиқод ва илмий билим оралиғидаги чегарада экани маълум бўлиб қолади. У дин ва илмнинг худди юқори бир чўққисидай кўринишга ҳам ҳеч гап эмас. Бироқ эътиқод ҳақидаги фалсафабозлик билим саналиши даргумон, илло у ўзида фақат экзистенцияни намоён этади. Бу дегани ҳиссий-руҳий кечинмалардан ҳоли бўлган мушоҳада оламини акс эттиради, холос. Аммо бундай фикр юритиш моҳиятан номуҳим, у ўзини сўзлар орқали намоён этади, шунинг баробарида сезги орқали эгасини «девор орти»га мўралашга одатлантиради. Ясперс икки хил фикрлашни бир-биридан айро кўради: бири — воқеа-ҳодисанинг ортидан қувган ва фақат "қаноатлантирувчи" фалсафа, иккинчиси — рационал (ақлий) фикрлаш бўлиб, у ҳодисанинг ўзи томон югургилайди ва бунинг натижасида билим ҳосил бўлишини айтиб ўтади. Ясперс қимматли билимни мутлақо инкор этмайди: "У ёруғликка элтувчи тафаккур олами учун жуда зарур нарсалардан заруридир". Яна у "Фалсафа" асарида экзистенциал фалсафа Ницше ва Кьеркегор таъсирини ўз бошидан ўтказди, деб ёзаркан, фалсафа фақат предмет билими бўлмай, у фалсафа юритаётган шахснинг ҳам ички олами ҳақида мушоҳадалар манбаи эканини айтиб ўтади. Ясперс учун экзистенция предмет оламидан ташқарига — озодликка олиб борувчи йўл. У эркинликни билим ва қонун билан боғлайди ва "охиргисисиз озодликнинг ўзи бўлиши мумкин эмас", дейди. Унинг "Дунёқараш психологияси" асарида Макс Вебер таъсирини кўриш мумкин. "Менинг фалсафам учун Макс Вебер шунчалар керакли эканини билсангиз эди", дейди у кейинчалик. Вебер ёш Ясперсга таъсир ўтказолган мутафаккир-санъаткорлардан Ницше ва Достоевскийларнинг ижодини ниҳоятда қадрларди. Яна Вебер билан Ясперсни сиёсатга бўлган қизиқиш ҳам яқинлаштирарди. 1931—32 йилларда Ясперснинг уч томлик фалсафий асарлари чоп этилди. У бу асарлар устида қарийб ўн йил тер тўкди.

Унинг ижоди гуллаган давр XX аср немис халқи тарихидаги қора ва фожеий йилларга тўғри келди. Нацистлар диктатурасини бевосита ўз бошидан ўтказган мутафаккир Россия, Олмония, Италия ва Испанияда ўрнатилган тоталитар тузумлар табиати ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини илмий-фалсафий, публицистик асарлари орқали баён этди. Олмонияда ҳокимият тепасига национал-социалистлар келгач, файласуфнинг ҳаётидаги оғир кунлар бошланди. 1937 йилда уни дорилфунундан четлаштиришди. Унинг асарлари Олмонияда босилиши таъқиқланади. Урушдан кейинги 1947 йилда Ясперс Базелга маъруза қилишга таклиф этилади. Бу пайтларга келиб у Олмониянинг энг машҳур кишиларидан бирига айланганди. У ўз ҳамюртларига фақат китоблари ва мақолалари орқали мурожаат этмай, балки радиода ҳам чиқиш қилиб, инсониятни қора гўрга элтувчи фашизм ва шовинизм иллатига, зулм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши ёрқин нутқлар сўзлайди, инсониятни бундай қонли инқилоблару қирғин-барот урушлар домига олиб борувчи "доҳийлар"га қарши биргаликда курашишга, ер юзида тинч-тотув яшашга чақиради.

Ана шу йиллари у ўзининг "Бизнинг келажагимиз ва Гёте", "Бизнинг даврда ақл ва ақлсизлик", "Янги инсонпарварлик ғоялари", "Ҳақиқат ҳақида", "Ницше ва насронийлик", "Оврўпа руҳи борасида" каби қатор илмий-фалсафий, адабий-публицистик асарларини ёзиб тугатди. Бу асарларининг деярли барчасида ёвузлик устидан эзгуликнинг ғалаба қилажагини мисоллар билан кўрсатишга интилди.

1969 йилнинг 26 февралида оламдан ўтган. Ясперс ўз битикларидан бирида "Дунё ҳамжамиятларига йўл фақат мустақил давлатлар орқали ўтади. Бу мустақил давлатлар эса ўз ҳарбий кучларини ер юзидаги эзгу ишлар учун сафарбар этишлари лозим. Ана шунда олам гулистон бўлур", деб ёзган эди. Ана шундай олам гулистон бўлишини орзу қилган мутафаккир асарларининг ҳам умри боқий бўлиб, улар келажак авлодлар бахт-саодати йўлида ўз вазифасини бекаму кўст бажариб келмоқда.

Аббос САИД

НАФС БАНДИЛАРИ

Qing`irlik

Янгийўллик Жаҳонгир Саидаҳмедов шу йилнинг февраль ойидан бошлаб, хуфя йўллар билан ош тузини топиб келиб, кўз илғамас жойларда яширинча майдалаб сота бошлади. Ишлар юришгандан юришиб кетди. Харидор дегани ўз соғлигига шунчалик эътиборсизлик билан қарар эканки, бу туз истеъмолга яроқлими, ҳужжати борми, йўқми, деб сўраб кўрмас экан. Буниси сохта тадбиркорга жуда қўл келди.

Янгийўл тумани солиқ инспекцияси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг **"Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида"**ги 154-сонли қарори ижросини текшираётиб, кутилмаганда, уларга рўбарў келишди. Улар Қўшёғоч фуқаролар йиғини, Собир Раҳимов кўчасида жойлашган "Ором" ошхонасига кириб боришганда, опа-сингил Барно ва Азиза қоплардаги тузни ерга ёйиб, бир килограммлик селофан халталарга жойлашаётган уларнинг отаси Ғайрат Ҳасанбоев эса уларни тахлаб сотувга чиқараётган эди.

— Бу тузлар қаердан келиб қолди. Ҳужжатлари борми? — деган саволга ишчилар шундай жавоб беришди:

— Буни бошлиғимиз Жаҳонгир Саидаҳмедов билади. Тузни ўша киши туширган. "Ором" ошхонасини ижарага олган сохта тадбиркор саволжавоб пайтида солиқчиларга ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади. Ҳатто тузнинг яроқли эканлигини тасдиқловчи сифат сертификати ҳам йўқ эди.

Шу куни 8190 килограмм қопланган, 3450 килограмм қадоқланган ош тузи ҳамда қадоқловчи қўлбола мослама ашё сифатида олинди.

Чирчиқ шаҳрида ҳам ана шундай ноқонуний савдога чек қўйилди. Шаҳарнинг Навоий шоҳкўчасида жойлашган дўконларидан бирида текшириш ўтказилганда салкам 300 минг сўмлик ноқонуний спиртли ичимлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдога чиқарилгани маълум бўлди. Дўконни ижарага олиб, савдо қилаётган А. Халилова маҳсулотларнинг ҳужжатини кўрсата олмади...

Яширин даромадга ружу қўйган кимсаларнинг қилмиши бир кун эмас, бир кун ошкор бўлиши турган гап.

Тошкент шаҳри, А.Икромов туманидаги 110-мактаб ошхонасига ин қўйган айрим нопок шахслар яширинча нон ишлаб чиқарувчи қўлбола цехини очишганда ҳеч ким сезмайди, деб ўйлашган бўлса керак. Энг қизиғи, тарбия ўчоғида ана шундай ишларнинг рўй бергани кишини ҳайратга солади. Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, бундай ҳолларда жамоатчиликка ҳам ўзининг таъсирини ўтказиши керак. Цехда ишлаётган тўрт нафар ишчининг бирортасида ҳам ҳужжат йўқ бўлиб, тайёрланган нон маҳсулоти ҳам ҳеч қаерда ҳисобга олинмасди. Демак, норасмий цехда даромад солиғи тўлаш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

Текширув ўтказилган куни цехдан 13200 сўмлик тайёр маҳсулот, 315 минг сўмлик ун, 200 дона темир қолип, торози ва бошқа ускуналар далилий ашё сифатида олинди. Ушбу ҳолат расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар туман прокуратурасига юборилди.

Кўриниб турибдики, қинғир ишнинг қийиғи эртами-кечми, албатта, чиқади.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун"
мухбири



ЕТТБ: Тарихга муҳрланган лаҳзалар

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Charxi kajraftor

ЭТИКНИ КИМ КИЯДИ?

Калифорнияда иккитадан кам қорамолига эга бўлган шахсларга ковбойлар этигини кийиш таъқиқланади. Шунингдек, бу штатда судда кўргазма бериш чоғида кўзга ёш олиб, дийдиё қилиш ҳам қатъий ман этилади.

БУЗИЛМАЙДИГАН ҚОНУН

Лондонда фуқароларнинг ўзларини "Мен – йелслик нафақахўрман", деб таништиришни таъқиқловчи қонун мавжуд. Бир неча юз йил муқаддам мазкур қонуннинг қабул қилинишга нима туртки бўлган, деган савол ҳали-ҳануз очиқ қолмоқда. Бундан ҳам қизиғи шундаки, бу қонун дунёдаги энг қатъий риоя этилаётган қонун, десак, хато бўлмайди. Чунки ўтган 150 йил ичида бу қонунни ҳали бирор-бир киши бузгани йўқ.

БЕФАРОСАТСИЗЛИК ЖАЗОСИ

Нью-Жерси қонунчилигига кўра, мазкур штатда ресторанда чапиллатиб овқат еган кишини бемалол ҳибсга олиш мумкин.

СУВ СЕПМА, ЁҒ СОТМА!

Янги Шотландияда ёмғир ёғаётган пайтда кўчага сув сепиш қатъиян ман этилади, Квебек музофотида эса сариқ рангдаги маргаринни сотиш таъқиқлаб қўйилган.

МЕЗОН – ГЎЗАЛЛИК

Европадаги мева-сабзавотлар дўкони соҳиблари беўҳшов шаклдаги қулупнай ва бошқа мева-сабзавотларни сотгани учун минг евро миқдорида жарима тўлайди.

Хуршида ЧОРШАНБИЕВА тайёрлади.

ЭЪЛОН

Тошкент давлат юридик институти қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

1. **"Давлат ва ҳуқуқ назарияси" кафедраси катта ўқитувчиси — 1**
2. **"Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ва Ўзбекистон тарихи" кафедраси бўйича:**
   — катта ўқитувчи — 1
   — ўқитувчи — 1
3. **"Фалсафий фанлар" кафедраси доценти — 1**
4. **"Иқтисодиёт назарияси" кафедраси бўйича:**
   — доцент — 1
   — катта ўқитувчи — 1
5. **"Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" кафедраси катта ўқитувчиси — 1**
6. **"Жисмоний тарбия" кафедраси ўқитувчиси — 1**
7. **"Чет тиллари" кафедраси катта ўқитувчиси — 1**

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвони ҳақида аттестат нусхалари.
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 24-хона. Телефон: 136-09-39

* * *

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2003 йил 16 апрелдаги 10-0304/930-сонли ҳал қилув қарорига асосан давлат бюджетига қарздор бўлган "MIYON-MO'MIN" хусусий фирмаси банкрот деб эълон қилинган.

Ушбу корхона бўйича ишончли шахс этиб Р.Маметов тайинланган. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 95-уй. Юнусобод туман ДСИ биноси, 1-қават, 22-хона.

Мурожаат учун телефонлар: 137-51-75

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти жамоаси Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси ходими

***Роҳида АЗИМОВА*нинг**

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Asr vabosi

ЖИНОЯТ ЙЎЛИ

Гиёҳвандлик бутун дунё соғлом турмуш тарзига рахна солувчи иллатдир. Шу боис бу иллатнинг юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига дахл қилишига қарши кураш — давр талабидир.

Гиёҳвандлик оқибати яхшиликка олиб бормаслиги, охири «вой» бўлишини билмаган киши йўқ. Даволаш муассасаларидан тайёрланган видеолавҳаларни кўриб, гиёҳвандлик дардига мубтало бўлганларни изтиробига, аянчли аҳволига юракдан ачинади киши. Ана шу аҳволни кўра била туриб, жиноят йўлига кириб кетаётган ёшлар, ўзини оловга уриб ҳалок бўлаётган парвонани эслатади. Мен "жиноят йўлига" деган иборани бехосдан ёки ноўрин қўлламадим. Гиёҳвандликдан келиб чиқаётган ўғирлик, талончилик, қотиллик, фоҳишабозлик жиноятлари оқибати ҳеч кимга сир эмас. Нега айрим ёшларимиз ана шундай жиноят кўчасига кириб қолишаяпти? Мен ўз ҳаётий иш фаолиятимдан келиб чиқиб, айрим мулоҳазаларимни ўртага ташламоқчиман. Менимча, гиёҳвандлик кўчасига кирганларни аксарияти оилаларида меҳр топмаган, ўз қадрини баҳолай олмаган журъатсиз, кўрқоқ болалардир. Улар ташқи таъсирга тез берилишади. Кўр-кўрона ёмон одамлар таъсирига тушиб қолишади. Ўз яқинларидан илиқ, самимий муносабатни сезмагач, ана шу етишмаган нарсаларни ташқаридан — бегоналардан қидиришади. Ташқи таъсир эса, ҳар доим ҳам оқибатли бўлавермайди. Баъзи бир оилаларда эса, ота-оналарни ўзлари тарбияга муҳтож бўлишади. Улар фарзандлари тарбияси, ўқиши, юриш-туриши билан бошларини қотириб ҳам ўтиришмайди. Бундай болаларни тарбия кўрмай ўсаётган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган саёқ болалар, дейиш мумкин.

Яна бир тоифа болалар — бой-бадавлат оилаларда ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай, ҳаётга енгил-елпи назар билан қараб ўсаётган тантиқ болалардир. Уларнинг бу эркаликларини тўқликка шўхлик деб айтиш мумкин. Фарзандларининг бу хурмача қилиқларини ота-оналари пайқаганларида вақт ўтган бўлади. Шунча мол-дунёлари бўла туриб, битта фарзандни рисоладагидай ўстира олмаганлари учун бош чангаллаб қолади.

Айрим ёшларнинг бирон жойда ўқиш ёки ишлашга бўйин ёр бермай бекор юриши ҳам уларнинг гиёҳвандлик йўлига кириб қолишига сабаб бўлмоқда. Халқимиз бежизга бекорчидан худо безор, — деб айтмаган. Бекорчи одамдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Шунчаки эрмак учун безори болаларга қўшилиб, ташқи муҳит таъсирида гиёҳванд бўлиб қолишади.

Гиёҳванд моддалар истеъмол қилиб, кейин даволаниб, соғлом турмуш тарзига қайтган бир таниш йигит шундай дейди:

— "Сотганни ҳам, чекканни қуритаман", дермиш оғу. Лекин ҳаётий тажрибамдан маълумки, ҳар иккаласини ҳам ҳароб қиларкан. Бу йўлга кирганлар энг аввало соғлигидан, кейин ишидан, яқинларидан, оиласидан ажралишади. Одамови бўлиб қолишади. Обрўсини йўқотади. Чекишга пул қолмагач, жиноят кўчасига киради. Ўғирлик қилишдан, бор-будини сотишдан, аёл киши бўлса, фоҳишалик қилишдан уялмайди. Худога шукур, ўз вақтида даволандим. Яна ишимга, оиламга қайтдим. Гиёҳвандлик яхшиликка олиб бормайди. Мен ҳеч кимга уни чекишни ҳам, сотишни ҳам маслаҳат бермайман.

Бу иқрорга изоҳ беришнинг ҳожати йўқ.

Равшан ИСОҚОВ,
журналист

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейлн НОРПЎЛАТОВ

Тахририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50